УзССР Давлат китоб палатаси
Бир нусхада 170195
Ҳис. ... Ҳис. ... Ҳис. ... Ҳис. ...

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ — • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 13 ЯНВАР, № 2 (3289)

П ОЛЬШАГА ТАШРИФ

11 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Польша Республикасига борди.

Президент саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов ва унинг рафикасини Польша Президенти Лех Валенса рафиқаси билан кутиб олди. Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Польша давлат мадҳиялари янгради. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Президент саройининг оқ залида Президент Ислом Каримов Польша давлати раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди.

Саройнинг мовий залида эса икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги иктисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Музокаралар сўнгида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Лех Валенса Ўзбекистон билан Польша Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Маросим ниҳоясида Президентлар журналистлар билан учрашиб, мазкур олиймақом учрашув натижалари хусусида сўзладилар, оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Сўнг Президент Ислом Каримов Варшавадаги Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Уруш қурбонларини хотирлаб, ҳурмат бажо этди.

Ўзбекистон Президентининг Польша Республикасига расмий сафари самарали бўлди.

(ЎзА)

Эртага — Ватан ҳимоячилари куни

ИСТИҚЛОЛ АСКАРЛАРИГА

Юртимнинг даласи, сойида аксинг,
Байроқнинг юлдузи, ойида аксинг,
Кўксимнинг энг нозик жойида аксинг,
Мустақиллик, менинг жонимсан,
Ўзбекистонимсан!

Мунис онагинам кўзида балқдинг,
Нуроний отамнинг юзида балқдинг,
Чучуктил қизимнинг сўзида балқдинг,
Мустақиллик, қайноқ қонимсан,
Ўзбекистонимсан!

Эътиқод, иймоннинг сўрови ўзинг,
Энг улуғ неъматнинг бирови ўзинг,
Буюк келажакнинг гарови ўзинг,
Мустақиллик, соф иймонимсан,
Ўзбекистонимсан!

Киприк орасида асрайман сени,
Кўзим қаросида асрайман сени,
Баҳор сабосида асрайман сени,
Мустақиллик, бор имконимсан,
Ўзбекистонимсан!

Ўтмишга қарайман, сени асрайман,
Курашга ярайман, сени асрайман,
Борликдан сўрайман, сени асрайман,
Мустақиллик, ширин жонимсан,
Ўзбекистонимсан!

Бахром ҒОЙИБ

ТЎРТ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Шу кунларда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида И.Бахромов, А.Бойматов, Я.Салпинкиди, Ю.Чернишевнинг кўргазмалари очилди. Кўргазма пухта академик таълимот йўлини босиб ўтган рассомлар ранг-тасвир устаси И.Бахромов ва ҳайкалтарош А.Бойматов асарлари билан бошланади.

Икромжон Бахромов сўнгги йилларда бутунлай ижод оғушига ғарқ бўлиб, асл мақсадига эришган, десак янглишмаймиз. Унинг ўз таъбири билан айтганда, "Санъат-рухий ҳолат, муккадан кетиш керак бўлган меҳнат". Рассом уруш ветерани "Қобилжон ака портрети", "Абдулла ота сурати", "Орифжонова портрети", "Она портрети" каби дастлабки изланишларидан сўнг, "Куй", "Май гулдираклари", "Армон қуши" ва бошқа воқеликни образли ифодаловчи асарларгача катта, машаққатли ижод йўлини босиб ўтди. Унинг сўнгги изланишлари ранглардан бутун бир симфония яратаётгандек тассурот қолдиради.

Абдумўмин Бойматов кўпроқ давримиз кишилари ифода этилган бюстлар, боғ-парклар учун мўлжалланган, атрофдан кўришга мослашган композициялар, ёдгорлик кўринишидаги асарлари билан қатнашган. Ҳайкалтарош Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги энг ёрқин даврни ва улуғ шахслар ҳаёти, ижоди, мавқеини атрофлича ўргангани кўриниб турибди. Ўтмишга мурожаат қилиш ҳайкалтарошга ижодий илҳом, маънавий бойлик, руҳий тетиклик бахшида этган.

Ю.Чернишев монументалист рассои. У кўргазмада дастгоҳли ишлари билан қатнашган. Рассомнинг ранг борасидаги изланишлари ўзига хос, унда ҳароратни англаш, илғаб олишга уриниш кучли. Ўлкамизнинг тоғли жойлари, қадимий меъморчилик ва шу кунги ҳаётини имконияти даражасида ифода этган.

Я.Салпинкиди асарларини кўрар эканмиз, у табиатан эҳтиросга тўла, руҳий ва маънавий жўшқин шахс сифатида намоён бўлади. Шахсиятидаги вулқон каби қайнаб чиқувчи ички ҳарорат асарларида ҳам кўриниб туради. Табиатдаги бу хусусият, айниқса, ранглар оламига кириб боришида қўл келади. Рассом ижодининг энг кучли томони ҳам ранглар ҳароратини, унинг жўшқин мавжланишини ҳис қилишда ва шу ички истак, эҳтиёжни ифодлаб бера олишдадир. Рассомнинг, айниқса, автопортретлари диққатга сазовор.

Хуллас, кўргазма шуни кўрсатадики, юксак касбий маҳорат, устоз кўрган шогирд масаласи доимий ва ҳар қандай ижодкор учун муҳим масаладир. Ўз касбининг барча хусусиятларини пухта эгаллашгина ҳар қандай ижодкорнинг изланишларини сермазмун қилади, унинг асрлари ишонарли, ҳароратли бўлишини таъминловчи омил ҳисобланади.

Биз ҳар тўрттала рассомга ҳам ижодий жасорат, маънавий баркамоллик тилаб қоламиз.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунослик номзоди

ЭЛЧИНИНГ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Таржима марказининг саъй ҳаракати билан ўзбек ёзувчилари кўплаб хорижий мамлакатлар адиблари, ижодий уюшмалари билан тўғридан-тўғри мулоқатда бўлмоқдалар. Ўзбек ёзувчиларининг энг сара асарлари хорижий тилларга, хорижий ёзувчиларнинг энг сара асарлари эса ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Ҳозир ёзувчилар ўртасида ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда.

Яқинда Тошкентдаги Швейцария элчихонаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигининг самараси сифатида Швейцария маданият фонди уюшмамизга Швейцария ёзувчиларининг етмишга яқин асарларини тақдим этди. Бу асарлар ичида Швейцариянинг таниқли ёзувчилари Фридрих Дюрренматт, Макс Фриш, Валтер Фогт, Хуго Лойчер, Герхард Майер, Николас Бувир, Катерине Коломб, Агата Кристи, Роберт Пингет, Алисе Ривац ва бошқаларнинг немис, француз ва италян тилларидаги асарлари бор.

Туҳфани Швейцариянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Паул Випфли топширди. Шундан сўнг элчи билан ёзувчилар ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Йўлдош ПАРДА

Эл тафаккуридаги бозор 2

3 Маънавий жавобгарлик ҳисси

Бир нутқ тарихи 4

ПОСБОНЛИК ФАХРИ

Қуролли Кучларимиз жанговарлик қудратини мустаҳкамлаш, она-Ватаннинг ишончли посбонлари бўлиш ҳиссиёти қанчалик ривож топса — ҳарбий қисм ва бўлинмаларда йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг куч-ғайрати шунча тўлиб-тошган бўлади. Натижада эса шахсий таркиб билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар янада самаралироқ, янада пухтароқ бўла боради.

Бунинг исботи взвод бўлинмаси командири сержант Жасур Ҳасанов хизмат фаолиятида ёрқин намоён бўлмоқда. У етакчилик қилаётган бўлинманинг ҳар бир аскари ўз зиммасига юклатилган топшириқни ҳарбий низом ва қасамёд талаблари доирасида бажаради.

Ҳар қандай соҳанинг ўзига хос қийинчиликлари, машаққатлари бўлгани каби, ҳарбий хизматнинг ҳам ўзига яраша талаб-интизомлари мавжуд. Зиммангдаги бурч ёки касбни тўла эгаллаб олгунга қадар анчайин қийинчиликлар бўлади. Бундан на ҳайдовчилар, на алоқачи ё на бошқа бирон-бир ҳарбий касб эгалари мустасно эмас. Баъзи бир вақтларда дала машғулотидан сўнг: "Бўлди, чарчадим", — деб ўйлайсан. Ана шундай пайтларда тантанали қасамёд қабул қилганинг, "Халқимга, Президентимга содиқ бўлишга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Низом талабларига, командир ва бошликларим буйруқларига сўзсиз итоат этишга сўз берганман! — деган гап ҳаёлингдан ўтади, вужудингда янги куч-ғайрат пайдо бўлади-да, навбатдаги топшириқни бажариш учун ўрнингдан туриб кетасан. Машғулотдан кейин командир сенга ёки бўлинманг шаънига яхши гаплар айтганда эса, Ватанга муносиб посбон эканлигинг учун, она халқингга чинакам хизмат қилаётганинг учун юрак-юракдан фахрланасан. Бу жуда ажойиб ҳиссиётдир!

Сержант Ҳасановнинг бўлинмасидаги ҳар бир аскар қийинчиликларни енгиб, обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда.

— Хизмат даврида менга шу нарса аён бўлаётирки, ҳар бир аскарнинг шахсий муваффақияти қанча кўп бўлса, бутун бўлинманинг ва армиямизнинг мавқеи ҳам шунча ортар экан — дейди суҳбат чоғида Ж. Ҳасанов. — Намунали бўлинма бўлиб етишгунча тобланиш қийинчиликлари кўп бўлди. У ёки бу тайёргарликларда гоҳ ортда, гоҳо олдинда бўлиб юрдик. Аммо аҳиллик ва дўстлик билан олиб борган ишларимиз оқибатида бугунги кунда бўлинмамиз илғор ўринларни эгаллаб турибди.

Бунда аскарлардан К. Аҳмедов, А. Абдуллаев, И. Мингбоевлар жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарлик аълочиси бўлиш билан бирга, ўз касб маҳоратларини ҳам ошириб бормоқдалар. Бўлинмамизнинг ҳар бир аскари, интизом — армиянинг пойдевори эканини яхши билади. Қисқаси, барча ютуқларимиз аҳиллик, дўстлик, ўзаро ёрдам ва самимий муносабат туфайли қўлга киритилмоқда, деб ишонч билан айта оламан!

Ҳа, аскарий аҳиллик ва дўстлик армиямизнинг қудратини оширадиган муҳим воситалардан. Буни ҳаётий тажрибалар ҳам исботлайди ва шунга дават этади.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлаб ўтамиз: аскарий-жанговар дўстлик — катта куч. Бу куч билан ҳар қандай топшириқ бажарилади, муваффақиятлар қўлга киради. Ватан эса ўз посбонларидан доим миннатдор бўлади!

Алишер ҲАЙДАРОВ,
капитан, ҳарбий мухбир

ЎзАО МАҲБОРОТИ

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси драматург Эркин Ҳушвақт қаламига мансуб "Чимилдиқ" деб номланган янги спектаклни мухлисларига тақдим этди. Оила, вафо, илк туйғулар ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур лирик комедияни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳнага олиб чиққан. Асар руҳига мос саҳна безакларини рассом Зокиржон Қобилов ишлаган. Спектаклдаги асосий ролларни театр артистларидан Дилором Эгамова, Мўмина Абдурашитова, Қиличбек Иброҳимов, Даврон Қодиров, Мавлудахон Аминова ижро этмоқдалар.

***

Булунғур туман халқ театри ижодий жамоасининг бобокалонимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан саҳнага олиб чиққан "Чирқиллаб юрган рух" номли спектаклини ҳам театр мухлислари қизиқиш билан кутиб олдилар. Асарни ёш режиссёр Алижон Исоқов саҳналаштирган. Мусаввир Қобилжон Юнусов асар руҳига мос безаклар ишлаган. Асосий образларни театр артистларидан Маматқул Исаев, Аҳатқул Умматов, Ўроқбой Ҳотамов, Ўлмас Дўстмуродов, Баходир Норов яратганлар. Маҳаллий муаллиф Алижон Исоқов қаламига мансуб мазкур саҳна томошасида Мирзо Улуғбекнинг сўнгги кунлари акс эттирилган.

***

Андижонлик маҳаллий муаллиф Эгамбой Турсуновнинг "Нодирабегим" драмаси йирик ўзбек шоираси Нодиранинг ёшлик дамлари, Андижон ва Қўқонда ўтган йиллари ҳақида ҳикоя қилади. Иқтидорли режиссёр Ҳафизхон Акбарова асарни Шаҳрихон тумани Обиджон Содиков номидаги 2-лицей мураббийлари ва талабалари билан ҳамкорликда саҳнага олиб чиқди. Нодирабегим ва Амир Умархоннинг ўтли газаллари, мусиқалардан иборат мазкур саҳна асари на фақат Шаҳрихонда, балки вилоят туманларида намойиш этилмоқда. Спектаклдаги асосий ролларни мураббий ва талабалардан Валижон Исмонов, Жўрахон Абдураҳимова, Шоҳида Ғозиева, Муроджон Умаров, Шаҳлохон Тошбоева ва бошқалар ижро этмоқдалар. Шунингдек, асарда ёш хонанда Толибжон Зокиров ижро этаётган Нодирабегим ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалар томошага файз бағишлаган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

"КЎЗГУ" — КЎПЧИЛИК МИНБАРИ

Республика газеталари сафига яна бир нашр — "Кўзгу" қўшилди. Куни кеча бу ижтимой-иктисодий, маърифий-маданий ҳафтаноманинг дастлабки сони ўқувчилар қўлига тегди. Янги нашрни кенг китобхонлар оммаси, журналистлар ва ноширлар газетаси дейиш мумкин. Ҳафталикни варақлар эканмиз, "Иқтисод ва ислоҳот", "Ношир — нашр—китобхон", "Сурат ва сийрат", "Мўъжизалар манзили", "Ташвиқот, тарғибот, тижорат" деб номланган саҳифаларга кўзимиз тушади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, газета бугунги ҳаётимизнинг ғоят муҳим масалаларини ёритишни ният қилган.

"Кўзгу"нинг ушбу нишона сонида айниқса китоб ва китобхонлик, нашриётчилик масалаларига катта ўрин берилган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан ҳафтанома мухбирининг мазмунли суҳбати ёритилган. Унда атоқли шоиримиз газетхон билан кўнглидаги ўйларини, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашади. "Сиз кутган асарлар" саҳифасида эса Шарқнинг улуг алломаси Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" асаридан парчалар, буюк араб адиби Жаброн Халил Жабронинг фалсафий фикралари (Эшқобил Шукур таржимаси) эълон килинган. Редакция изоҳича, ҳали босилиб чиқмаган қизиқарли китоблардан парчалар изчил равишда бериб борилади.

Ҳафталикда газетхонларнинг тилаклари, турфа хабарлар ҳам чоп этилган. Масалан, Ғузор туманида халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари — Тоҳир ва Зуҳрога ҳайкал ўрнатилганлиги, Навоий вилоятида "Умид" деган янги ҳафталик газета чиқа бошлагани ҳақидаги хабарларга ўхшаш материаллар кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиийдир.

"Кўзгу"нинг муассислари — Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон республикаси давлат телевидение ва радиоэшиттиришлари компанияси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси. Бинобарин, ҳафтаномада ЎзТВ ҳафталик дастури мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

Биз — адабиёт газетаси ижодий жамоаси учун "Кўзгу"нинг нашр этила бошлагани ҳар томонлама қувончлидир. Маълумки, ҳафталигимиздан республикамиздаги кўпгина газета-журналларнинг бош муҳаррирлари етишиб чиққан. Янги ҳафталикнинг бош муҳаррири ҳам газетамизда узоқ йиллар самарали ишлаган Камол Матёқубовдир.

Сенга омад ёр бўлсин, "Кўзгу"!

МАЗМУНЛИ КОНЦЕРТ

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг республикамиздаги олий, ўрта махсус санъат ўқув юртлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари талаба-ўқувчилари ва ўқитувчиларининг "Халқлар дўстлиги" саройида "Истиқлол жилолари-II" деб номланган навбатдаги ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Мутал Бурхонов ва Абдулла Орипов-нинг "Ўзбекистон мадҳияси" билан бошланган ва жаҳон классик асарлари, чет эл композиторларининг жаҳон саҳналарида муваффақият билан ижро этиб келинаётган мусиқа асарлари, балет ва опера санъатининг энг яхши намуналари, ўзбек бастакорларининг кўплаб мусиқа асарлари, мақом ва замонавий куй-қўшиқлардан иборат дастур барчага манзур бўлди. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг симфоник оркестри, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг талабалари, Успенский номидаги Республика ўрта махсус болалар мусиқа мактаби талабалари-нинг ижролари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Концерт-томошанинг бадиий раҳбари Карим Азимов, уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Оқил Узоқов саҳналаштирган. Сценарий муаллифи Оллаберган Омонов.

БОШҚИРД САҲНАСИДА

Драматург Иброҳим Содиковнинг "Афандининг беш хотини" асари республика театрлари ҳамда Марказий Осиё театрларида саҳналаштирилиб, театр шинавандалари меҳрини қозонди. Куни кеча мазкур саҳна томошаси Хитой республикаси томошабинларига тақдим этилган бўлса, бугун бошқирдистонлик мухлислар ҳам "Афандининг беш хотини" ҳазил саҳна томошасини мириқиб томоша қилмоқдалар. Драмани Фарид Бакир ва Аҳмад Аҳмадуллин татар тилига таржима қилганлар. Спектаклни Бобур номидаги республика Давлат мукофотининг совриндори Маннон Ҳамидов саҳнага олиб чиққан. Комедия руҳига мос саҳна безакларини эса мусаввир Азамат Ғилажов ишлаган. Томошадаги ракларни Бошқирдистонда хизмат кўрсатган артист Ариадна Туганова саҳналаштирган. Спектаклдаги асосий образларни Нисо Бакирова, Фарида Раҳимова, Фуат Бакиров, Зулфия Халилова ва бошқалар ижро этганлар.

С. СИРОЖИДДИНОВ

ЛЕВ ТОЛСТОЙ УЙИ ТАГИДАГИ БОМБА ПОРТЛАЙДИМИ?

Немис армиясининг собиқ аскари Ҳенриҳ Ҳейнанинг Лев Толстойнинг Ясная Полянадаги уй-музейи тагида авиабомба бор деб берган хабари тажрибали протехниклар (мушакбозлар) текшириви натижасида ўз тасдиғини топмади. Ва шу билан бирга рад ҳам этилмади. Ҳенриҳ Ҳейна бу ҳақда Россиянинг Бонндаги элчисига хабар берган эди. Элчи эса бу шошилинч хабарни ёзувчининг она юртига етказди.

Собиқ аскарнинг гапига қараганда, 1943 йилнинг ёзида у хизмат қилган немис полки штаби жойлашган Толстойнинг уйига совет самолёти бомба ташлайди. Бомба аввал тарновга, сўнг юқори қаватдаги терезанинг четига тегиб девордан бир метрча нарига тушади, аммо портламайди. Кейинроқ немислар бу бомбани кўмиб ташлайдилар. Ҳейна ўз хатига бомба тушган жойнинг схемаси чизилган бир варақ қоғоз ҳам кўшиб жўнатган.

Фавқулодда ҳодисалар вилоят бюроси Ясная Полянага тезлик билан протехниклар гуруҳини юборди. Мина изловчилар ер тагида метал борлигини тасдиқласалар-да, қазиш ишларини бошлашмади. Чунки музлаб қолган ерни метал турган жойгача қазиб бориш жуда мушкул иш. Шунинг учун қидирув ишлари иссиқ кунларга қолдирилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бомба ер тагида қолган бўлса-да унинг эскириб қолгани портламаслигига кафолат беради. Бундан ташқари Ҳейнанинг хатида тилга олинган айрим деталлар у адашаётган бўлиши мумкинлигини тасдиқлаб турибди. Биринчидан, немис-фашист босқинчилари 1943 йилнинг ёзида эмас, балки 1941 йилнинг 30 октябридан 14 декабрига қадар Ясная Полянада бўлишган. Иккинчидан, немис штаби Толстойнинг уйида эмас, қўшни Кузминскихлар номи билан машҳур уйда жойлашган эди. Ҳозир бу бино адабиёт музейи. Учинчидан, Ҳейнанинг схемасида Толстой уйи тасвирланганми, М. Кузминскихлар уйи тасвирланганми ёки Ясная Поляна мактаби тасвирланганми билиш қийин. Ва ниҳоят тўртинчидан, музей ходимлари ҳам, босқин пайтида Ясная Полянада яшаган оқсоқоллар ҳам кўмиб ташланган бомба ҳақида ҳеч нарса билишмайди.

Ҳейна рост айтганми ёки ёлғонми, бундан қатъи назар, иссиқ кунлар келиши билан фақатгина музей ҳудуди эмас, балки бутун Ясная Полянада катта қидирув ишлари бошланади. Хуллас хавфнинг олди олинади.

"Рабочая трибуна" газетасидан

ЭЛ ТАФАККУРИДАГИ БОЗОР

Халқ ҳикматларида мулк масалалари

Бугун — XXI аср бўсағасида халқимиз йигирманчи юз йилликда бошидан кечирган даврга, шу жумладан, "социалистик" аталган тузум тақдирига ҳам назар солиш имкони туғилди. Эртанги қисматимизни белгиламоқ учун чекимизга тушган савдоларни ҳам ўйлаб кўришимиз зарур.

Дунё жуда кўҳнадир. Шоир айтганидай:

Қумларга сингиб кетди
покиза, тиниқ сувлар,
Жаннатда қолдимикин
бокира ул сулувлар,
Гарчанд қалъалар чўкди,
юз ўзгарди ёзувлар...

"Ўша-ўша" дунёда "социализм", "коммунизм" янги либосини кийиб, бошқа бир тўнига ўраниб яна келмаслиги учун унинг мағзини англаш лозим. Етмиш йиллик "коммунистик" ташвиқот ҳам, "қайта қуриш"нинг тўрт-беш йиллик "антикоммунистик" жазаваси ҳам ўтди — энди кечган давру давроннинг сабоқларини ақл тарозуси билан сарҳисоб қилиш фурсатидир.

Ушбу мақолада мен бу кўпқиррали улкан вазифанинг мўъжазгина қисмини — бозор иқтисоди масалаларининг халқимиз тарихий онгидаги инъикосини кўриб чиқишни ният қилдим.

Жаноб К. Марксниг хатоларидан бири шуки, у хусусий мулкка асосланган тузумга эрта фотиҳа ўқиб юборди. Карл бобонинг кўзига капитализмнинг илк давридаги мулк ўсиши жиловсиз бўлиб кўринди, ишлаб чиқариш воситаларининг капиталистлар қўлида жамланиб улканлашуви, ишчиларнинг норозилик намойишлари бутун жаҳонни тўлдирадигандай туюлди ва у хусусий мулка асосланган жамиятга охират келди, дея хулоса чиқарди. Унинг назарида капитализм семириб-кенгайиб ёрилиши керак эди. Инқилоблар мулк умумий бўлган жамиятга олиб келиш керак, келажак умуммулк каммунистик давлатникидир, деган хулоса чиқарилди. Социалистик инқилоб ривожланган капиталистик давлатларда эмас, қолоқ Россияда кечганининг ўзиёқ Марксниг назариясига соя солди, албатта. Унинг башоратига қараганда, капитализм аллақачон адо бўлиши керак эди, ҳолбуки, пролетариат классигининг даъвосидан кейин бир ярим аср вақт ўтди-ю, капитализм ҳамон яшамоқда, кучга тўлмоқда. Умуммулкка асасланган "социалистик" тузум" "коммунизм"га етолмади, қулади. Бу ўзимизнинг бошимиздан кечди, унда ҳаммамиз қатнашдик. Айтишларича, камолотнинг уч йўли бор: тажриба (аччиқ йўл), тақлид (осон йўл) ёки тафаккур (оғир йўл) билан инсон ўзлигини топади. Тақлиду тажрибани кўрдик, энди тафаккур давридир.

Гоҳида ўйлаб қоламан, мана; бугун бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш ҳаракатидамиз. Ривожланган мағрибу машриқ давлатларида бу иқтисодий тизим ажойиб самаралар бергани учун биз ҳам шу йўлга кираяпмиз. Хўш, бозор иқтисоди элимиз учун янгиликми? Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Темур, Улуғбек, Навоий, Имом Бухорий, Ҳазрати Нақшбанд сингари алломаларни дунёга берган юрт тарихидаги иқтисодий тизимларнинг мақбул томонлари борми? Иқтисодиётнинг халқ тафаккуридаги нафаси нечоғлик?

Бозор иқтисоди, мулкка муносабат изларини излаб, тарих саҳифаларини имкон қадар варақласак, Форобийнинг "Фаровонлик шаҳри" кўчаларида кезамиз, Навоийнинг Фарҳоду Ширини қурган "адолат ўлкаси" аҳолиси билан суҳбат қурамиз. Ат-Термизий ҳазратимизнинг "Ўз мулкини ҳимоя қилаётиб халоқ бўлган киши дини Ислом жангининг шаҳидига баробардир" деган ҳадисларини мутолаа қиламиз, хусусий мулк муқаддаслигини тавоф қилган донишманд боболаримизнинг гулхан нафасларидан исинамиз. Шариатнинг илму аҳли интеллектуал мулкини "закот"дан озод қилган қонунларини Бурхониддин Маргинонийнинг "Ҳидоя"сидан ўқиб, ақлли зотларни қувғин қилмай, аксинча, қадрлаган аждодларимизга қойил бўламиз, уларнинг буюк давлатлар қурганининг сири ҳам илму ижод аҳлини қафасда эмас, эъзозда асраганидан топамиз, зеро: "Олим сиёҳонидаги сиёҳ ғазоватда ҳалоқ бўлган шаҳиднинг қонидандир", — деган ҳадис ҳам қулоғимиз остида жаранглаб, юрагимизда садо беради.

Бозор иқтисодининг акс-садоси халқимизнинг минг йиллик ҳикмату асотирларида, ривояту эртакларида бор, мақолу маталларида мавжуд **"ОТАНГ — БОЗОР, ОНАНГ — БОЗОР..."**

— деб бежиз айтишмаган. **"БОЗОР"** — биргина шу сўзнинг ўзида қанчалар фалсафа бор, ҳар бир товушида бир ҳикмат сас беради. "БОЗор" — **"БОЗ"** дегани "ўйин" "деганидир ("дорбоз", "масхарабоз" ва ҳоказо). Ахир, бозор ҳам бир ўйин эмасми? Молу мулкингни тикасан, гоҳ фойда қиласан, гоҳ-зарар — ютасан, ютқазасан.

Социалистик тузум даврида бизни "уйиндан четлатишган" эди. Пахтани экардик, пиллани боқардик, тамакини терардик — ҳосилини давлатга топширардик. Кимга сотди, қанчага сотди, фойда қилдими, зарар кўрдими - билмасдик. Маошимиз тайин. У ишимизга боғлиқ эмасди. Энди "уйинга" кираяпмиз — ҳосилимизни ўзимиз сота бошладик, чет элликлар билан савдолаша бошладик... Балким, "бозОР" деб ўқиш керакдир, ахир, бозор ОРиятли кишиларнинг манзили бўлиши керак, орсизлар фош бўлиб, бозорга тушолмай, қочиб юрар. Эҳтимол, "боЗОР" бўлса керак, чуки бозорга муҳтожлар, **ЗОР**лар боради, манфаат илинжида чопади. Ёхуд "бОЗОР"дир, **ОЗОР** топганлар ҳам кўп-да...

Ҳа, халқимизнинг тарихий тажрибаси, яшаш тарзи, ақли ҳофизаси унинг сўз мулкида ҳам акс этади. "Давлат" сўзини олинг. Унинг икки маъноси бор. Бири — сиёсий маънодаги "давлат", яъни Ўзбекистон давлати, корохонийлар давлати ва ҳоказо. Иккинчиси — иқтисодий маънодаги "давлат", яъни мол-мулк тушунчаси. Халқимиз топармон-тутармон одамни ҳам "бадавлат" дейди. Ўзбек халқининг донишманд тафаккури чарҳлаб келган ҳикмат бор бу маъно қатламларида. Хўш, нега давлат билан мулкни — **БИР ТАНГА, ГАП БИЛГАНГА — МИНГ ТАНГА".** Ҳолбуки, **"АРАВАНИ ОТ ЭМАС, АРПА ТОРТАДИ", "ҚУЙЧИВОН КЎП БЎЛСА, ҚЎЙ ҲАРОМ ЎЛАДИ".**

Халқимиз: **"КЎРПАНГГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТ", —** дейди. Аммо **СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМДА ЎЗИНИ МАҚТАШ КЎП ЭДИ.** "Жаҳондаги энг одил жамиятмиз", "Капитализмни қувиб ўтамиз", "Дунёда социализм ғалаба қилади", — дея жар солишарди. **"УЙИДА ЧАКСА УН ЙЎҚ, ТОМ БОШИДА ҚУШ ТАНДИР"** деганларидай, халқимиз телевизор, радио, газета-журналларнинг туни кун жаврашларининг қадрини биларди. **"КЎП МАЪРАГАН СИГИРНИНГ СУТИ ОЗ БЎЛАДИ,"** — дерди. Коммунизм XIX асрда Маркснинг хаёли эди, XX асрда хомхаёл экани исботланди. Ахир, **"УЗОҚДАГИ ҚУЙРУҚДАН ЯҚИНДАГИ ЎПКА ЯХШИ!"** Коммунизм "қуйруғи"нинг кетидан "ўпкасини ҳовучлаб" чопа-чопа чарчаган оломон бугун англадики, **"ҚЎЛИ ЎЙНАГАННИНГ ОҒЗИ ЎЙНАР, ҚЎЛИ ЎЙНАМАГАННИНГ КЎЗИ ЎЙНАР".**

Ақл, илмга эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Авваллари бир ташаббус, иш аждодларимиз бирга тасаввур қилганлар. Гап шундаки, мулк масаласи давлат учун ҳал қилувчи масала экани бугун аён бўлди. Хусусий мулкчиликни инкор қилган Совет Иттифоқи давлат сифатида қулади, мулкни тан олган, ҳимоя қилган капиталистик тузум эса ҳамон ривожланмоқда. Демак, 1917 йилги Октябр тўнтариши нафақат чоризмга, балки инсоният минг йиллардан буён тиклаётган, хусусий мулкчиликка асосланган жамиятнинг йўлига сунъий тўсиқ ташлаган эди. Бугунги ислоҳотлар оқибатида биз яна "аравани келган жойидан" йўлга солмоқдамиз — феодал муносабатлар замиридан ривожланган капитал жамияти сари ҳаракат қилмоқдамиз. **"ДАВЛАТ"** сўзи ҳам ўзининг азалий маъносига қайтмоқда.

Октябр тўнтариши бойларни талашни мақсад қилган эди. "Ҳамма бой бўлолмас экан, ҳамма камбағал бўла қолсин, ҳар ҳолда улар тенг бўладилар, қашшоқликда бир-бирлари билан тенглашадилар... Яшасин камбағаллар!" Етмиш йил яшаган камбағаллар охири жонларига тегиб, бугун бой бўлишга ҳаракат бошладилар. Талон-тарож билан яшашнинг оқибатини халқ биларди. Ахир, **"БАХИЛ ТЎЙМАС, ЎҒРИ БОЙИМАС". "ЁЗ ЁМҒИРИ ЛОЙ БЎЛМАС, ЎҒРИ АСЛО БОЙ БЎЛМАС". "ТУРИБ ЕГАНГА ТОҒ ЧИДАМАС".** Совет давлати фақат" ейиш" ила умр ўтказди. 1905—1925 йилларда бойлар, муллалар, помешчиклар таланди. Улар тугагач қатағонлар бошланди ва махбуслар меҳнати текин эксплуатация қилина бошланди — "одам ресурслари" еб юборилди. 1925 — 1955 йилларгача давом этган бу ҳодиса натижасида элнинг тинкаси қуриди, 1955—1985 йилларда ерости-ерусти бойликларини "ейиш" бошланди: Байкал заҳарланди, Орол қуриди, дори ичирилиб, пахта-ғалла экилавериб нашаванд бўлиб қолган ер ишдан чиқди, келажак авлодларнинг, ҳали туғилажак фарзандларнинг ҳам ҳақи бўлган нефт, олтин қазиб сотилди. Горбачев - Рижков ҳукумати мамлакатнинг эллик йиллик тилло заҳирасини ҳам беш йилда "қайта қуриб" юборишди. Ётиб ейдиган нарса қолмади, ишлаш кераклиги эсга тушди, "янгиланиш", "ошқорлик" ҳақида сўзлар пайдо бўла бошлади. Зеро, **"СЕНДАН - ҲАРАКАТ, МЕНДАН — БАРАКАТ". "БЕКОРДАН ХУДО БЕЗОР".** Меҳнаткашнинг елкасида ўтирганлар хусусийлаштириш натижасидан ҳам манфаат ахтара бошладилар. Совет даврида "аппаратчи"лар сон-саноқсиз эди. **"БИРОВЛОН ОМОЧ БИЛАН, ЕТТОВЛОН ЧЎМИЧ БИЛАН".** Биров Навоий фалсафасини ўқирди, бошқа биров кечалари Яссавий тариқатини мутолаа қиларди. Кимдир Суқротни ёшириб варақларди, яна аллаким очиқчасига Марксни, Ленинни ёдларди. Бу табиий. Нотабиий нарса шу эдики, Суқроту Қодирий фалсафасини ўқиган киши меҳнат қилиб маош олса, Марксни такрор қилганлар уни ўқигани учунгина маош оларди — уларни "партком" дейишарди. **"ИШ БИЛГАНГА — МИНГ ТАНГА".** Ҳалқ бежиз айтмаган: **"БОР-БИЛИМТОЙ, ЙЎҚ — ҲОРИМТОЙ", "БОЙНИНГ БОЛАСИ ЎН БЕШИДА БОШ, КАМБАҒАЛНИНГ БОЛАСИ ЙИГИРМА БЕШИДА ҲАМ ЁШ".**

Марксча-ленинча "сиёсий иқтисод" одамзоднинг табиатига ёт нарса эди. Шу жумладан, ўзбеклар ҳам ички бир сезги билан "сиёсий иқтисод" ғоясини инкор этгандилар. Зеро, боболаримиз: **"АВВАЛ ТАОМ, БАЪДАЗ КАЛОМ", "АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ", —** деб неча аср аввал айтиб қўйганлар. Бунгунга келиб иқтисоднинг сиёсатдан устиворлиги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлимизнинг принципи тарақсида тасдиқланиши халқимизнинг азалий тажрибасидан келиб чиқадиган хайрли қадамдир.

Бозор иқтисодининг барча замонавий принциплари тарихимизда акс этган. Бозор иқтисоди бизга айримлар айтаётгандай "мағрибнинг тухфаси", "демократиянинг майли" эмас. Бозор ҳаёт тарзимизда гоҳ зоҳиран, гоҳ ботинан яшаб келган. Халқимизнинг тажрибаси — қувончи, ташвиши, машаққати, роҳати, урфу одати, расму русми акс этган мақолларимизнинг ўзигина бозор иқтисодини тўла ёрита олади.

Маркетинг, реклама ҳақида: **"ОНАНГНИ ОТАНГГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТМА"** аудиторлик хизмати ҳақида: **"ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС", "ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ, ҲАР ЕРДА БОР ТОШУ, ТАРОЗУ"; конкуренция ҳақида: "ҚЎЛИДАН ИШИНИ ОЛДИНГ, ОҒЗИДАН — ИШИНИ ОЛДИНГ"; бартер, мол айирбошлаш ҳақида: "СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА"; халқаро иқтисодий алоқалар ҳақида: "ЮЗ СЎМ ПУЛИНГ БЎЛГУНЧА, ЮЗТА ДЎСТИНГ БЎЛСИН"**... каби халқ донишмандлиги дурдоналари мавжуд, Халқимиз пул кадрсизланишини, инфляциясини била: **"ПУЛ БЎЛДИ — КУЛ БЎЛДИ", —** дейди. Нима қилиш керак? Мол-мулк қилиб қўйиш лозим. Аммо арзонига учмаслик керак. **"АРЗОН БЕИЛЛАТ ЭМАС, ҚИММАТ БЕҲИКМАТ ЭМАС".** Демак, қимматбаҳо, қадрли нарсаларни олиш керак. Ўйла! **"БЎЙДОҚНИНГ КЎЗИ БИЛАН** бошласанг "Ўзбошимчалик қилма, ким рухсат берди?!" — деб тергашарди, яъни ўз бошингни қўй, Ленининг боши ҳаммамизга етади. Бугун билдики, **"ҲУСН ТЎЙДА КЕРАК, АҚЛ КУНДА КЕРАК".** Ақл ҳам ҳаракат орқасидан келади. Айтишларича, ташвиқотнинг бир йилидан тажрибанинг бир соати кўпроқ ўргатар экан. Бир вақтлар ҳайрон қолган эдим. Болшевиклар ҳалқари советлар даврлатида биздан кўра анча фаровон яшардилар (статистика маълумотлари буни тасдиқлайди), аммо оғирроқ аҳволда яшаганлар эмас, айнан улар биринчи бўлиб суверенитет ғоясини кўтариб чиқдилар, бугун ҳам қон тўкишларсиз, эволюцион тараққиёт йўлидан бормоқдалар. Демак, мулк, бойлик ақлли қилар экан, қашшоқлик, аксинча, муте, мўмин-қобил этаркан. Халқ бежиз айтмаган: **"БОР-БИЛИМТОЙ, ЙЎҚ — ҲОРИМТОЙ", "БОЙНИНГ БОЛАСИ ЎН БЕШИДА БОШ, КАМБАҒАЛНИНГ БОЛАСИ ЙИГИРМА БЕШИДА ҲАМ ЁШ".**

Марксча-ленинча "сиёсий иқтисод" одамзоднинг табиатига ёт нарса эди. Шу жумладан, ўзбеклар ҳам ички бир сезги билан "сиёсий иқтисод" ғоясини инкор этгандилар. Зеро, боболаримиз: **"АВВАЛ ТАОМ, БАЪДАЗ КАЛОМ", "АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ", —** деб неча аср аввал айтиб қўйганлар. Бунгунга келиб иқтисоднинг сиёсатдан устиворлиги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлимизнинг принципи тарақсида тасдиқланиши халқимизнинг азалий тажрибасидан келиб чиқадиган хайрли қадамдир.

Бозор иқтисодининг барча замонавий принциплари тарихимизда акс этган. Бозор иқтисоди бизга айримлар айтаётгандай "мағрибнинг тухфаси", "демократиянинг майли" эмас. Бозор ҳаёт тарзимизда гоҳ зоҳиран, гоҳ ботинан яшаб келган. Халқимизнинг тажрибаси — қувончи, ташвиши, машаққати, роҳати, урфу одати, расму русми акс этган мақолларимизнинг ўзигина бозор иқтисодини тўла ёрита олади.

Маркетинг, реклама ҳақида: **"ОНАНГНИ ОТАНГГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТМА"** аудиторлик хизмати ҳақида: **"ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС", "ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ, ҲАР ЕРДА БОР ТОШУ, ТАРОЗУ"; конкуренция ҳақида: "ҚЎЛИДАН ИШИНИ ОЛДИНГ, ОҒЗИДАН — ИШИНИ ОЛДИНГ"; бартер, мол айирбошлаш ҳақида: "СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА"; халқаро иқтисодий алоқалар ҳақида: "ЮЗ СЎМ ПУЛИНГ БЎЛГУНЧА, ЮЗТА ДЎСТИНГ БЎЛСИН"**... каби халқ донишмандлиги дурдоналари мавжуд, Халқимиз пул кадрсизланишини, инфляциясини била: **"ПУЛ БЎЛДИ — КУЛ БЎЛДИ", —** дейди. Нима қилиш керак? Мол-мулк қилиб қўйиш лозим. Аммо арзонига учмаслик керак. **"АРЗОН БЕИЛЛАТ ЭМАС, ҚИММАТ БЕҲИКМАТ ЭМАС".** Демак, қимматбаҳо, қадрли нарсаларни олиш керак. Ўйла! **"БЎЙДОҚНИНГ КЎЗИ БИЛАН ХОТИН ОЛМА, ДАЛЛОЛНИНГ СЎЗИ БИЛАН МОЛ ОЛМА".** Йўл ҳаражатларини ҳам ҳисобга олиб кўй. **"ТУРКИСТОНДА ҚЎЙ БИР СЎМ, КЕЛА-КЕЛА ЎН БИР СЎМ".** Яхшиси, фойда келтирадиган, эрта ҳам йитмайдиган ишни кўзла! **"ТОВУҚНИ ЕСАНГ, БИР ЕЙСАН, ТУХУМИНИ ЕСАНГ, МИНГ ЕЙСАН!" Совдога уриниб кўр, ахир "магазин" ҳам ўзимизнинг сўзимиздир. "мой хазина" демакдир, мойли, ёғли жойдир. "ДЎКОН"** ҳам "ду кон" — икки кон, икки хазина деганидир, бир хазина — молни олганинг, иккинчи хазина — сотганингда топган фойданг.

Бозор иқтисодининг энг муҳим соҳаси молия-кредит тизимидир.

Пулни бежиз "иқтисоднинг қони" дейишмайди. Биз социализмда қарз (кредит) тизимини тескари туздик. Карзни камбағалга бердик. Бу бозорга тўғри келмайди. Камбағалга садақа, хайр-эҳсон қилинади. Карз бойга берилади."БЕРГАН ХУДОГА ЁҚИБДИ". Аммо **"ПУЛ ПУЛ КЕЛТИРАР",** дейдилар. **"ОЛИШ — САНЪАТ, ҚАЙТАРИШ — МЕҲНАТ".** Зарарга ишлаётган, банкрот корхоналарга, қашшоқларга қарз берилмайди, капитализмда қарзни бойлар олади. **"БЕРСАНГ — ЕЙМАН, УРСАНГ — ЎЛАМАН!"** дейдиганлар боқимандалардир: **"ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ".** Дотацияларга қурилган, товон тўлайдиган иқтисоднинг ҳоли вой, инвестиция қилиб, фойдали ишларни бошида турган иқтисоднинг келажаги бор. **"СИГИРИНГ ХЎРА БЎЛСА, БЕРДИ ХУДО, ХОТИНГ ХЎРО БЎЛСА, УРДИ ХУДО!" "ДАРДИНГ БЎЛСА БЎЛСИН, ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН". Тўғри, қарзни олиб, фойдали ишга сарфласанг, қарзни ҳам узасан, ишли ҳам бўласан. "ҚАРЗ УЗИЛАР, ХОТИН ЁНГА ҚОЛАР".**

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг эҳтиёжини писанд қилмаган жамият, давлат эҳтиёжи баҳонасида оддий одамнинг манфаатини паймол қилган социалистик тузум қулади. Бугун инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлди. Шу жумладан, мулк ҳуқуқи ҳам Ўзбекистон Конституциясида эътироф этилди, "хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир", — дея ёзиб қўйилди (XII боб, 53-модда) Инсоннинг манфаати яхши яшаш, оила қуриш, насл қолдириб, тинч ҳаёт кечириш истаги оқибатда жамият учун, давлат учун ҳам манфаатли эканига ақлимиз ета бошлади. Ўзини ўйлаш, ўзини эплаш ўзлигини англашнинг ибтидосидир. "ЎЗ **ҚАДРИНИ БИЛМАГАН, ЎЗГАНИНГ ҚАДРИНИ БИЛМАС".** "ЎЗИГА **ЎТРА КЕСМАГАН ОДАМ БИРОВГА ЛАҒМОН ЧЎЗА ОЛАРМИДИ?!"** Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидай, "Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмамон..." Мулкни умумийлаштирган коммунистик қулдорлик тузуми айнан ўзликни йўқотишга уринди. Халқ иқтисодда мулкдан, сиёсатда ҳокимиятдан мосуво бўлди. Бугун хато тузатилмоқда, мулк қайтарилмоқда (хусусийлаштириш жараёни)ва ҳокимият халққа боғланмоқда (кўппартияли сайловлар, жамоа ташкилотлари мавжуд). Совет тузуми халқдан барча мулкини, бойликларини тортиб оларди-да, бир қисмини қайтариб берарди, "партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги" деяжар соларди. Коммунист раҳбарлар пешонани тириштириб "халқни ўйлардилар". Бугунги ислоҳотларимизнинг мақсади шуки, халққа эрк берилмоқда: ўзини ўзи ўйласин, ўз масъулиятини ўзи бўйнига олсин. Демократия ҳам шунда, у инсоннинг бошқа инсон устидан ҳокимияти эмас, қонуннинг ҳокимиятидир. Инсон ўз ҳаётини ўз онги, ақли билан, ўз масъулиятига кўра қуриши, оқибати учун ўзи жавоб бериши демакдир. **"ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН", "ЎЗИНГ УЧУН ЎЛ ЕТИМ", "ЎЗИНГНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛ, ҚЎШНИНГНИ ЎҒРИ ТУТМА", "ҲАР КИМНИНГ БОШИГА ҚОР ЁҒСА, ЎЗИ КУРАЙДИ", "ЎЗ АРАВАНГНИ ЎЗИНГ ТОРТ", "ЎЗ УЙИНГ — ЎЛАН ТЎШАГИНГ".** Умуман, халқимиз ҳикмат хазинасида "ўз" сўзли дурдоналар беҳад кўп. Қолаверса, миллатимизнинг аталиши ҳам **"ЎЗБЕК"**дир. Аммо бу "Ўзига бек"ликдан ташвишга тутиш шарт эмас. Зеро халқимиз бошқа нарсани ҳам англайди: **"ЎЗИНГНИ ЭР БИЛСАНГ, ЎЗГАНИ ШЕР БИЛ!" "ЎЗИНГ ЎТИРГАН ШОХГА БОЛТА УРМА", "ЎЗИНГ СУВ ИЧАДИГАН ҚУДУҚҚА ТУПУРМА".** Айнан ана шу ақидаларнинг поймол қилиниши "ўзимиз ичадиган қудуқ"нинг қуришига — Орол фожиасига, "ўзимиз ўтирган шохнинг синиши" — еримизнинг поймол бўлишига, аждодларимизнинг мероси унутилишига, масжиду мадрасаларимиз бузилишига, кўплаб экологик, маънавий моддий инқирозларга олиб келди. Бу сир эмас.

Мен демократиянинг ўзбекча таржимасини "ўзбеклик" деган бўлардим. Чунки демократия — инсоннинг ўз устидан беклигидир, ўзлигини англамоғидир, ўзини ўзи эплаб, боқимандаликдан холос бўлмоғидир. Бу инсонни улуғлайдиган жараёндир. Ўзбеклар демократик халқдир. Халқона тузумга муносибдир.

Карим БАҲРИЕВ

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Моҳир таржимон Насибулла Ҳабибуллаев бу йил 80га кирган бўларди

Юртимизнинг халқ саодати учун, унинг маънавиятини бойитиш учун умри ва шуурини бағишлаб ўтган шундай ажойиб фарзандлари борки, бундай сиймоларнинг азиз номларини доим фахр билан эслаймиз, ёдда тутамиз.

Ўзбек маданиятининг, матбуотининг атоқли арбобларидан бири — устоз журналист, машҳур таржимон Насибулла Ҳабибуллаев ана шундай сиймолардан эди. У Аъзам Айюб, Муҳаммад Ҳасан, Санжар Сиддиқ Сулаймон Азимов, Раҳмат Мажидий, Рихси Саҳибоев, Наби Алимуҳамедов, Шербек Алиев, Яҳё Йўлдош, Йўлдош Шамшаров, Шариф Толибов, Зиё Аминов каби устоз қаламкашлар қаторида матбуотимизни ривожлантиришда, айниқса таржимонлик принципларини шакллантириб, уни санъат даражасига кўтаришда катта ҳисса қўшди.

Насибулла Тошкентнинг маърифатпарвар зиёлилар хонадонида тарбияланиб вояга етди. Бўлажак қаламкашнинг амакиси машҳур шоир Хислат — Ҳайбатуллахўжа, отаси Ҳабибуллахўжа Орифхўжа ўғиллари даврнинг маданият ва маориф соҳасидаги илғор фикрли намояндалари эдилар. Отаси буюк адибимиз Абдулла Қодирий билан қадрдон дўст бўлган, унинг дастлабки асарларини нашр эттирган. У киши Тўйчи Ҳофиз билан биргаликда ўзбек куйларини граммафон пластинкасига олдиришда ҳам самарали сайъ-ҳаракат кўрсатган. Тараққийпарвар шеърлари билан шуҳрат топган Тўлаган Хўжамёров — Тавалло бу хонадоннинг яқин кишиларидан бўлган.

Ёш Насибулланинг матбуот, санъат, адабиётга ҳаваси ана шу муҳитда туғилиб, иштиёқи барвақт маърифатпарвар бўлиб етишишга, қўлига қалам олиб, фикр ва туйғуларини изҳор этишга даъват этган. У меҳнат фаолиятини жуда эрта — ўн тўрт ёшлигидаёқ қишлоқ маллимлигидан бошлаган эди. Ўша вақтлардаёқ газета, журналларга хабарлар ёзиб турарди. Бу қизғин интилишлари уни матбуот даргоҳига етаклади. Ниҳоят у отаҳон газетамиз "Қизил Ўзбекистон"да дастлаб мухбир, адабий ходим, кейинчалик таржимон бўлиб ишлади. 30-йилларнинг ўрталарида унинг истеъдоди ёрқин намоён бўлди. Устоз журналист ва адиблардан таълим олиши, тинимсиз ўқиб-ўрганиши, билими ва маҳоратини ошира бориши натижасида юксак савияли, фикр доираси кенг моҳир қаламкаш бўлиб етишди.

Унинг ўткир зеҳни таржимонлик маҳоратини атрофлича эгаллашига ёрдам берди: Газетада эълон қилинадиган энг муҳим ижтимоий-сиёсий материалларни Н. Ҳабибуллаев таржима қиларди. 30-йилларнинг охирларида Насибулла Ҳабибуллаев республикамиздаги етук таржимонлардан бири бўлиб танилди. Унинг матбуот саҳифаларидан ўрин олган таржималари маҳорат ва заковат намуналари эди. У ўз бурчини ном чиқаришда эмас, салоҳиятини бус-бутун матбуот хизматига бағишлашда деб биларди. Даври учун энг муҳим деб ҳисобланган материаллар, асарларни Н. Ҳабибуллаев, юқорида айтганимиздек, тезкорлик билан таржима қиларди.

Бизлардан биримиз шоҳидмиз: 1938 йил бўлса керак, "ВКП(б) тарихи қисқа курси"ни Насибулла Ҳабибуллаев бир ой давомида кунма-кун "Правда" газетасидан "Қизил Ўзбекистон" учун таржима қилиб берган эди. Унинг бундай маҳорати, тезкорлиги кўпгина ҳамкасбларини ҳайратлантиргани, унга таҳсин айтишган эди.

Таниш-билишлари орасида битта-яримта ҳасадгўйлари ҳам бор экан-да. Ўша кезларда "дебсан" деган истеҳзоли ибора бўлгучи эди. Ана шу "ибора" баҳона бўлиб, кўпгина бегуноҳ одамлар 66- ва 58-моддалар билан "контрреволюцион ташвиқотчи" ёки "ватан ҳоини", "халқ душмани"та чиқарилиб, узоқ муддатларга қамаб ёҳуд суд-терговсиз отиб юборилари. Хуллас, урушнинг дастлабки йилларида Н. Ҳабибуллаевни "Урушда Гитлернинг қўли баланд келаётибди", дебсан", деган мудҳиш даъво билан 7 йилга қамаб юборадилар. Борди-ю Насибулла шундай деганми, демаганми, "халқлар отаси"нинг "Ватанимизга душман чўчқа тумшуғини тиқар экан, қақшатқич зарбамизга учрайди", "Ҳар қандай тажовузкорни ўз уясида янчиб ташлаймиз", деган гапларидан қуролдошимизга қатъий ишонч ҳосил қилган илғор фикрли матбуот ходими урушнинг дастлабки кезларидаги мағлубиятларимиздан таажжубланган, афсус чекиб, бу тўғрида мулоҳаза юритган бўлса, ажаб эмас. Қолаверса, рус ёзувчилари Александр Дейчнинг "Титлер тўғрисида бор гап" деган памфлет китобини таржима қилган киши бундай мулоҳазалар юритиши табиий эди.

Шаънида бундай "иснод" билан қайтиб келган мафкура соҳасининг ходими ўз севикли ишини, касбини давом эттириши маҳол эди. Сталинча тазйиқ ғоят кучайган бир даврда бунга йўл қўйилмас эди. Ана шундай "лаънат тамғаси" босилган шахсларни қучоқ очиб кутиб олишга ҳайиқар эди.

Таржимачилик соҳасида юксак эътибор қозонган Н. Ҳабибуллаевни қадрдон ҳамкасблари таҳдидлардан ҳайиқмай имконлари борича қўллашга тиришдилар. Бир қанча вақт у тирикчилик ўтказиш учун жуз"ий ишлар билан шуғулланди.

Яна бир воқеага шоҳидлик келтирсак: 50-йилларнинг бошларида дўстларнинг рағбати билан Н. Ҳабибуллаев Д. Медведевнинг "Довюраклар" китобини таржима қилиб, "Ёш ленинчи" газетасида эълон қилди. (Таржимонлар номи кўрсатилмаган эди). У "Довюраклар"ни китоб ҳолида нашр этиш учун нашриётга топширганда, ўзбек адабиётига тўсиқ бўлиб келган машъум шахслардан бири тақризида: "Асар ҳозирги кунда фош этилган буржуа миллатчиси Наби Алимуҳамедов тили билан таржима қилинган", деб ҳукм чиқарган. Шундай мудҳиш ҳукмдан сўнг бу таржимани ким ҳам китоб қилиб чиқарарди? Ҳолбуки, Н. Ҳабибуллаев умрининг анча йилларини компартия, Совет давлати ҳақидаги жилд-жилд асарларни қунт билан таржима қилишга бағишлаган бўлса-да!

Мамлакатда сиёсий иқлим бироз юмшаб, мафкура ходимлари енгил нафас ола бошлагач, қўплар қатори Н. Ҳабибуллаев ҳам севган иши билан дадил шуғулланишга киришди. Энди Ўзбекистон Телеграф агентлигининг етакчи ходими сифатида ишлар экан, бутун куч-ғайратини, билим-тажрибасини таржима қилишга сарфлади.

Мамлакат раҳбарларининг маърузаларини, расмий қонун ва қарорларини, ажнабий арбобларнинг нутқлари, илмий мавзудаги мақолаларини у халқчил, маданий, жонли тил билан таржима қилар эди. Унинг таржимасидаги маърузаларни ўқир экансиз, худди қаршингизда ўша нотиқ ўзбекона сўзлаётгандек туйиларди. Таржимон нотиқнинг руҳига кириша интилгани сабабли таржима асар ўқиётганингиз ҳаёлингизга ҳам келмас эди. Устоз таржимон доимо: "Сўзни эмас, маънони таржима қилиш керак", деб таъкидларди.

Дарҳақиқат, Н. Ҳабибуллаев ҳар бир материалнинг руҳига киришга интиларди, салоҳияти зўрлиги туфайли узоқ изланишлар натижасида жамғарган қомусий билими, моҳирона тажрибаси, зўр сўз бойлиги — жонли иборалар, қочиримлар, киноялар, ташбеҳлар ва бошқа ифода воситаларидан ҳассослик билан фойдаланар эди.

Шунингдек, у жаҳон тарихини, айниқса халқимизнинг ўтмишини яхши билиши, сиёсат, иқтисодиёт, фан ва техника соҳасидаги сўнгги ютуқларни доимо кузатиб бориши сабабли ҳар қандай мавзудаги матнни ҳеч қийналмай, маромига етказиб таржима қила оларди. "Аччиқ бўлса ҳам айтишим керакки, салоҳияти нечоғли эканлигини билмаган ходим билим ва малакасини ошириб турмаса, газетада тўрт йилдан ортиқ ишлаёлмайди, дақки бўлиб қолади"., дегувчи эди, у, матбуот ишига масъулият, қуйинчаклик билан қараш кераклигини уқтириб.

Унинг кўплаб шогирдлари устознинг мактабидан самарали сабоқ олдилар, маҳорат сирларини ўрганиб, матбуотимизнинг истеъдодли, фаол ходимлари бўлиб етишдилар. Улар бугун ҳам халқимизнинг мустақиллигимизни барқарор этишдаги курашида сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Яна шуни мамнуният билан қайд этишни истар эдикки, кечроқ бўлса ҳам вақти келиб ҳақгўй, софдил, жабрдийда қаламкашнинг шаънидаги доғ олиб ташланди. Насибулла Ҳабибуллаевга маданият, матбуот соҳасидаги узоқ йиллик самарали, ҳалол хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди.

Лобар, хушкалом, хушкўнгил, одамохун, камтарин, сабрчидамли, заҳматкаш, меҳрибон-мунис инсон — Ҳабибулла акамиз орамиздан кетганига ўн беш йил бўлди. Агар ҳаёт бўлганида уни 80 ёши билан қутлар эдик.

Устоз қаламкашнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкентнинг, эскичасига айтсак, Кўкча даҳасидаги у туғилиб ўсган маҳалладаги кўчалардан бирига Насибулла Ҳабилуллаев номи берилган. Маданиятимиз, матбуотимиз, айниқса таржимачилигимиз тарихида салмоқли ўрин тутган бу муҳтарам зотнинг ҳаёти ва фаолияти,бундан ҳам кенгроқ тақдирга сазовордир. Унинг узоқ йиллар матбуотимиз саҳифаларида эълон қилинган мақолалари

Йўлдош ЭШБЕК

ЁШЛИК ЙЎЛЛАРИ

Сурма рангли қишлоқ йўлидан
Сузар кўкиш ранглар оҳиста.
Осмон тутар тоғлар қўлидан,
Парвоз бошлар тоғлар тоғ ҳис-ла.

Кўринмасдан учади тоғлар,
Билинмасдан кетгандай кундуз.
Бу парвоздан уришиб оҳлар,
Югуришиб чиқар жуфт юлдуз,

Қиқирлашиб чопар галаси,
Осмонлардан боқар осмона,
Нақ тепада ой ҳам чайласин
Қура бошлар — шаффоф ошёна!

Қош қораяр тоғлар остида,
Обод йўлин шод қилар осмон,
Шом қушиғин айтар оҳиста —
Юмшоқ ҳисга тўлар бу бўстон!

***

Ғашни келтиради тоғнинг виқори...
Жойларида туриб бўлгандир юксак.
Чўққи бўлмасам ҳам бошим бўз қордир,
Ичим қудуқ эмас, тўлмас не ютсам.

Сабрни танларди аввал озорлар,
Жасорат ботирни танларди аввал.
Сиғиниш жойимас эди мозорлар,
Одам зиёратни англарди аввал.

Авваллар қалдирғоч қўнарди қўлга,
Қизғалдоқлар жоми метиндан эди.
Одамзод зўр сўздан кирарди йўлга,
Сарварларнинг сўзи олтиндан эди.

Шукрким, у пайтлар яшамабман мен,
Билмасдан ўтардим қушнинг сабрини,
Қизғалдоқ, одамнинг билмай мўртлигин,
Ўйламай ўтардим сузнинг қадрини.

***

Менинг ул адашган йўлим қайдадур?
Оромбахш аёзим, азиз тиконим?
Нигорон кунларим қачон қайтадур?
Қайдадур йўлимга кўзин тикконим?

Булутлари аро офтоби ниҳон
Эй осмон, қирқ ямоқ бахтли чопоним!
Эй йўллар, паришон ўйларга жаҳон!
Ҳар томон ахтариб ҳалак чопганим.

Топмаганим менинг интиқ кунларим —
Кифтимда ҳар дўстнинг илиқ қўллари!
Қайдасиз шикаста, титроқ унларим,
Меҳрибон йўлларнинг тоза сўллари!

Ўнггим келди, мана, уйғонай демас,
Қадрдон даладай сукутда атроф.
Мана тонг отмоқда ухлагим келмас,
Менинг истагимга буйсунмас баҳор.

ЭНГ ҒОЛИБ ТУЙҒУ

Кўп нарса керакмас одамга,
айниқса азадор бўлса у,
кузёшини қайтариб бўлмас-у
йиғи-дод керакмас мотамга,
керакдир
меҳр.
Кўп нарса керакмас одамга,
азадор бўлмаса ҳам,
ярадор бўлса у,
меҳр —
малҳам.
Кўп нарса керакмас одамга,
бахтиёр бўлса у —
кузёшни қайтариб бўлмас-ку,
меҳр — энг ғолиб туйғу,
чақирар
меҳр.
Ташна ичар кўл,
қувват расо,
меҳр — сув,
ҳаёт — бепоён йўл,
меҳр — асо,
меҳр — кўл.

ЖАВОБЧИ

Мен ҳали жудаям совуганим йўқ,
фақат эшитмасман, кўрмасман фақат,
шамолми... шарпами... ургандайми дўқ...
кўтарилиб тушар кўкрагим — тоқат.
Мен ҳали жудаям совуганим йўқ,
юмуқ кўзларимда осмоннинг ранги,
кимдир... келган бўлсанг ҳўл докани қўй...
пешонам — сув билан самумнинг жанги.
Мен қандай ётибман билмасман ҳали,
недир тортқилайди маҳкам ёқамни.
недир кўтарадир, судрар нимадир,
туёқми кўксимга урган, тақами?..
Балки яйрагайман олам-хонамда,
иссиқ нимадандир шалаббо борим,
балки ёз ёмғири, балки бахт қори
ёғиб эриётир менинг танамда,
мен ҳали жудаям совуганим йўқ.

СЕН ТОМОНДАН

Албатта тинглайман мен сен томондан
шамоллар, саболар, эпкинлар, насимлар
гўзалроқ не бўлса
Эсмоқнинг оти,
албатта англайман мен сен томондан
ҳаёллар, ўйлар, фикрлар, ҳислар
гўзалроқ не бўлса
Сезмоқнинг оти,
албатта билгайман мен сен томондан
қўйлар, гуноҳлар, гумонлар, армонлар,
гўзалроқ не бўлса
Эзмоқнинг оти,
албатта кўргайман мен сен томондан
эсган насимларда юлдузларнинг муаттар бўйи бор.
хаёлларнинг камалаги, шамоли,
туйғуларнинг тоти бор,
ўкинчларнинг қўйи,
қўйларнинг кўйлаги,
гуноҳларнинг фарёди, фиғонларнинг қаноти,
қанотларнинг ҳаёти бор!

***

Қош қораяр тоғлар ортида,
Озод дилин чоғ қилар қушлар,
Шом қўшиғин бошлар юртимда,
Юмшоқ ҳисга тўлар оғушлар.

Сурма бўйли бир қиз булоққа
Кўзасини ўтар кўтариб,
Ифор ҳидлар келар думоққа,
Қараб қолар қушлар йўталиб.

ТАЛПИНИШ

Ҳазил эмас, битта кичик барг
Талпиниб-талпиниб... узилса,
Тузалмаса, ёрилмаса, дард
Лашкари тузилса, тизилса.

Мевалар йўқ... ҳувиллар баҳр...
Титраб қўяр дарахт танаси.
Қеч кузми ё увлар бўрилар —
Йўқ боласи, ота-онаси.

Жигарлари қайда яproқнинг,
Ой жилмайса, ойга ўхшар у,
Кўзёшлари йўқми титроқнинг,
Қайдадир отаси... қақшар у,

Юлдузлардан илғай олар нур —
Силагандай бўлар, кўзи нам.
Нурдай милдир-милдир қиладур,
Ёнқдаги ёшдай ўзи ҳам.

Кетар булут ююб қошини,
Ой кўйлайди, айтади азон...
Ерга қўяр хушбахт бошини —
Ғарчи баргмас, яproқмас, хас-з-он!

***

Илон, сенинг кўзинг — шабнам,
Ўзинг гулсан.
Аждар, кўзинг нурли, малҳам —
Кўнгилсан.

...Йироқларим энди дўстдир,
ёвуқ қилдинг — гўзалсан.
дунё, нечун яқинларим
дилин мендан узарсан?!

МАЪНАВИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

Айрим телекўрсатувлар ҳақида мухтасар мулоҳазалар

Телевидение — миллат маънавияти даражасини белгилайдиган ҳозиржавоб минбарлардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Телевидение тезкорликда матбуот ва ахборот воситаларини анча ортда қолдирди. У нафақат республикамиз, балки жаҳонда бўлаётган энг муҳим воқеа-хабарларни оммага етказадиган воситадир. Хуллас, серташвиш ҳаётимизни, елдек ўтаётган умр лаҳзаларини телевидениесиз тасаввур этиб бўлмайди. Баъзи хонадонларда иккита-учтадан телевизор бор. Жиндай ҳазил аралаш айтадиган бўлсак, бобожониси билан бувижониси мириқиб мултфилм, онаси «Оила», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», отаси «Ахборот», боласи эса «Тунги ёғду» кўрсатувларини маза қилиб томоша қиладилар. Амма-холалари ҳинд филмларини, тадбиркор тоғаси «Шаҳар бедарвоза эмас» кўрсатувларини орзиқиб кутадилар.

Энди, телевидение ҳаётимизнинг бир қисмини қамраб олгани, умримиз телевизорсиз ўтмаслиги ҳақида саҳифа-саҳифа ёзиш мумкин. Ҳамма гап телевидение орқали берилаётган кундалик кўрсатувларнинг савиясида. Хўш, қайси кўрсатувлар томошабинларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлмоқда? Нега айрим кўрсатувлар саёз ва бачкана? Баъзи кўрсатувлар ўз томошабинларини топмаётгани сабаблари нимада? Бундай жиддий саволларни истаганча давом эттириш мумкин. Келинг, уларнинг яхшиси айримларига биргалашиб жавоб топишга ҳаракат қилайлик. Ниятимиз: телевидение ижодий ходимларини қуруқ танқид қилиш эмас, аксинча, уларга ёрдам бериб, янада мазмундор, савияси баланд, томошабинлар ҳар гал орзиқиб кутадиган кўрсатувлар тайёрлашларига кўмаклашишдан иборат.

Ўтган йили кинокўрсатувлар таҳририяти томонидан ҳинд эпоси асосида яратилган «Маҳобҳорат» кўп қисмли видеофильмнинг намойиш этилиши ҳам телевидение, ҳам маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлди. Мазкур филм томошабинларга катта маънавий озуқа берди. Одамларни имон ва виждон сарҳадлари сари доимо интилишга даъват этди. Кўпчилик томошабинлар мазкур видеофилмнинг такроран намойиш этилишини орзиқиб кутяптилар. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» асари асосида ишланган видеофилм ҳам томошабинларга кўп жиҳатдан манзур бўлди. «Ўйла! Изла! Топ!» кўрсатувининг нафақат болаларга, балки катталарга ҳам манзур бўлаётганлигини эътироф этишимиз керак. «Тунги ёғду»да жаҳон киносининг айрим яхши намуналари намойиш этилмоқда. Буни изчил йўлга қўйиш керак. Шунингдек, бир қатор янги кўрсатувлар шаклланиш босқичида...

«Ўзбекистон» ахбороти кўрсатуви номидан англашилиб турибдики, унда биринчи галда расмий хабарлар, кундалик муҳим сиёсий воқеалар берилиши шарт. Телевидение ходимлари бу вазифани маҳорат билан адо этиб келяпти. Бу ҳақда гап бўлиш мумкин эмас. Афсуски, ахборот кўрсатувларининг барчасини бир хил савияда деб бўлмайди. Оддий хабардан кўра унинг таъриф-тавсифи узун. Баъзи ахборотлар тележурналистларнинг сўзамоллик кўригини эсга солади. Масалан, қишлоқда газ ёки ичимлик суви олиб келинганлиги тўғрисидаги оддий хабарни айтиш учун, албатта, ўша қишлоқнинг тарихи, жуғрофий ўрни, шамолнинг қай томонга қараб эсиши, дарахтларнинг гуллаши ёки осмонда булут бор-йўқлигини айтиб ўтиш шартми? Ёки далага гўнг, минерал ўғит ташиётган фермерни лирик шеър билан таърифлаш лозимми? Айниқса, қўзилатиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсумлари хабарларини беришда тележурналистлар бийрон бўлиб кетишади. Ҳай-ҳай демасангиз янги туғилган қўзичоқни ҳам «гапиртириб» юборишади. Баъзи хабарлар деҳқонларга, фермер ва тадбиркорларга қандай шудгор қилиш, қандай чигит экиш, карам, помидор ниҳолни ўтказиш, қовун-тарвуз узиш сингари насиҳатлардан нарига ўтмайди. Вилоят мухбирлари худди келишиб олгандай бир хил мавзуда эгизак хабарлар тайёрлашади, ҳатто бир хил оҳангда гапиришади. Ахборотда берилаётган мавзу ва темаларнинг кўпи майда. Айниқса, ҳалқаро шарҳларга чуқур мушоҳада, қисқалик, мухтасарлик етишмайди. Шарҳловчилар чет эл хабарларини шунчаки қайд этиш билан чекланадилар. Дунёда бўлаётган муҳим сиёсий воқеалардан кўп ҳолларда хабарсиз қоламиз. Баъзи шарҳловчилар оддий хабарларни ҳам баландпарвоз сўзлар билан изоҳлайдилар. Хуллас, айрим ахборотларда энг кераклиси — ахборот етишмайди.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

«Ассалом, Ўзбекистон!» тонгги дам олиш кўрсатувида сув манзаралари ҳаддан зиёд кўрсатилади. Эрта тонгда нуқул сувни кўравериб, томошабиннинг эти жунжикади, фикри суюлади. Айрим қўшиқчилар қишда ҳам, ёзда ҳам «Анҳор» соҳилларидан нари кетишмайди. Тоққа борганлари ҳам нуқул сойнинг бўйида қўшиқ айтади. Умуман, мазкур кўрсатув бир хил йўналишда, бир қолипда тайёрланади, ижодкорларда ижодий изланиш йўқ, янгилик кам, асосан савол-жавоб ва куй-қўшиқдан иборат. Аксига олиб саволлар ҳам баъзида бир хил бўлади. Масалан, қабристон ҳақида гап бўладию, ортидан шўх қўшиқ ё рақс берилади. Кўрсатувнинг «Тонгги хабарлар»и ниҳоятда сийқа ва эски.

«Ҳафтанома» кўрсатувини жиддий ўйлаб кўриш керак. Номи яхши. Лекин ижро кўнгилдагидек эмас. Ҳафта давомида берилган ахборотлар, хабарларни такрорлаш ва шунчаки қайд этишдан нима фойда? Бу кўрсатувда ҳам янгилик, изланиш сезилмайди, ўзига хослик йўқ. Тўғри, уни олиб борадиган тележурналист Севара Турсунова воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини эркин баён этишга ва шарҳлашга ҳаракат қилади. Тили равон, сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этади. Дикторлик тажрибаси етарли. Лекин енгил-елпи хабарлар уни чеклаб қўяди, бундан қутулиш керак. Кўрсатувнинг мазмун-моҳияти ҳақида аниқ бир хулосага келиб, уни эфирга қай тарзда бериш лозимлигини аниқлаш пайти келди. «Ҳафтанома» — ҳафтанинг эсда қоладиган ҳақиқий воқеаларига бой бўлиши зарур.

Янги йил оқшомида берилган «Барча табрик сизга бўлсин!» мусиқали байрам программаси бу гал ҳам телетомошабинларни қониқтира олмади. Сўнгги йиллар давомида янги йил оқшомида бу қадар саёз ва бир ёқлама байрам дастури тайёрланмаган эди. Кўрсатув бир гуруҳ бир хил услубда куйлайдиган ўртамиёна қўшиқчиларнинг кўрик-танловини эсга солади. Ҳар сафар янги йил оқшомида телетомошабинлар таниқли санъаткорлардан, қизиқчилардан янги йил куй-қўшиқлари ва ҳазилларини кутадилар. Бир йилда бир марта бўладиган ажойиб байрамни кўнгилдагидек ўтказишни истайдилар. Мазкур кўрсатувда иштирок этган санъаткорларни камситмаган ҳолда айтмоқчимизки, икки соатдан зиёд давом этган дастурда бирор бир томошабин эсида қоладиган янги қўшиқ яграмади. Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Ўлмас Саиджонов, Турсуной Мамедова, Насиба Абдуллаева, Олмахон Ҳайитовадан иложи борича янги ва мазмундор қўшиқлар кутган эдик. Афсуски, ниятларимиз сароб бўлиб чиқди. Илгари «Айрончи қиз» қўшиғини куйлаган хонанда Нуриддин Ҳайдаров бу гал «Қаймоқчи қиз» қўшиғини айтиб, айрон билан қаймоқни аралаштириб юборди. Ёш хонандалар Равшан Комилов, Бахтиёр Султонов («Тошкент» гуруҳи билан), Илҳом Иброҳимов, Авазбек Олимов, Ғиёс Бойтоев ижролари ҳам назаримизда кўпчилик томошабинларга манзур бўлмади. Уларнинг қўшиқлари, айниқса, оҳанг жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Масалан, Одил Каримов ижро этган «Гулмира» қўшиғининг сўзлари енгил, мусиқаси арабча оҳангларни эслатади. Афсуски, шарқ халқлари куйларига тақлид қилиш одат тусига кириб бормоқда. Ҳайрият мазкур кўрсатувда қизиқчи Мирза Холмедов иштирок этиб, кўпчиликни кулдирди. Бўлмаса...

Томошабинлар ўша оқшом Камолиддин Раҳимов, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Ортиқ Отажонов, Нуриддин Ҳамроқулов, Юлдуз Усмонова, Раҳматжон Қурбонов, Шермат Файзуллаев, Ҳожибой Тожибоев сингари таниқли хонанда ва қизиқчиларнинг чиқишларини кутган эди. Афсуски, мухлисларнинг бу истаги ҳам амалга ошмади. Хулоса қилиб айтганда, янги йилнинг мусиқали дастурини тайёрлашда эътиборсизликка йўл қўйилган.

Шу ўринда мусиқий кўрсатувлар таҳририятида, кўп марта танқидий фикрлар айтилишига қарамасдан, ҳамон ижодий ва ижобий ўзгаришлар бўлмаётганини яна бир бор айтмоқчимиз. (Тўғриси, айтавериб, ёзавериб чарчадик!) Агар миллий қўшиқчилигимиз енгил-елпи йўлдан кетаётган ва ўртамиёна хонандалар кўпайиб бораётган бўлса, бунда, шубҳасиз, телевидение тарғиботчи вазифасини ўтаяпти. Ҳатто бир йиғинда муҳтарам Президентимиз қўшиқчилар қайси йўллар билан телевизорга чиқаётганлигини куюниб гапирган эди. Бироқ ўзгариш бўлмади. Илгари мазкур таҳририят қошида бадиий кенгаш бор эди. Ҳозир йўқ. Нега? Агар бор бўлса, нега саёз ва миллий руҳдан йироқ қўшиқлар экранга бериляпти? Айрим ёшларнинг қайси жанрда ёки ижро йўлида куйлаётганини билиб бўлмайди: на анъанавий, на эстрадага ўхшайди. Аросат куйлар, аросат қўшиқлар шу қадар кўпайиб кетдики, оқибатда бу ҳол ёшлар тарбиясига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатяпти. Аросат томошабинларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти. Турли хил ижодий гуруҳларнинг шовқинли-суронли мусиқаси, пала-партиш сўзлардан иборат ҳиргойиси аллақачон томошабинларнинг кўнглига урган. Севги, муҳаббат,ишқ ҳақидаги бачкана қўшиқлардан безиб бўлдик. Нега бундай ачинарли ҳолга қолдик? Наҳотки, таҳририят ходимларини ўзбек қўшиқчилигининг эртанги куни, келажаги ташвишга солмаса. Тўйда, ҳар хил давраларда айтиладиган бачкана, беҳаё ашулаларни телевидение орқали бериш шартми? Уни минг азоб билан тинглайдиган томошабиннинг айби нимада? Нима учун «Анор» ўзбек қўшиқларининг кўрик-танлови оммалашиб кетмади! Чунки дастурида ўртамиёна ва ўткинчи қўшиқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди, такрорга кенг ўрин берилди. Композиторлар шошиб ёзган мусиқаларга хонандалар ҳам шошилинч сўз топиб, шошилиб куйладилар. Оқибатда «Шошган қиз...» мақолининг исботланишига бир баҳия қолди.

«Шум болалар чойхонаси» мусиқий дастурининг нияти яхши, фақат ижрода қусурлар бор. Бу кўрсатув «Оталар чойхонаси — кулги кошонаси» кўрсатувининг айнан такрори бўлиб қолган. «Шум бола»га хос бўлмаган бемаъни ҳангомалар, бачкана қилиқлар, зўрмазўраки кулги томошабинга ҳеч қандай завқ бағишламайди. Бу кўрсатувни янги иштирокчилар, яхши сценарий билан бойитиш керак, ёки...Телевидение «Ёшлик» таҳририятида кечаётган изланишлар жараёни чўзилиб кетди. Мазкур таҳририятнинг қатор кўрсатувлари ўз томошабинларини йўқотиб қўйди. Гапнинг очиғини айтганда, ўтган йили томошабинлар эсида қоладиган қизиқарли ва ҳаётий кўрсатувлар бўлмади, ҳисоб. Мазкур таҳририят ижодий ходимлари ўзларининг олдинги шуҳратларини тиклаш учун жиддий изланишлар олиб боришлари лозим.

Мазкур мулоҳазаларда асосан республика телевидениесининг биринчи дастури кўрсатувларина кенгроқ тўхталди. Навбат билан иккинчи дастур ва Халқаро телеканал кўрсатувларига ҳам баҳо бериб борамиз. Бу ишда телетомошабинлар ҳам яқиндан ёрдам бериб, телекўрсатувлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини таҳририятимизга ёзиб юборадилар, деган умиддамиз.

Мустақил республикада миллатнинг ҳар жиҳатдан шаклланиши, дунёқараши ва тафаккурининг бойиши, аввало, у баҳра олаётган маънавий муҳитга боғлиқ. Агар телевидениени халқни озиқлантирадиган маънавий булоқлардан бири десак, унда ана шу маънавият учун телевидение ижодий ходимлари ҳам жавобгарлик ҳиссини ҳар доим қалбан ҳис этиб, тушуниб, виждонан меҳнат қилишлари лозим бўлади. Ҳеч қачон ана шу маънавий дунёмизга путур етказмаслик учун курашайлик.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Ойбек таваллудининг 90 йиллиги олдидан

КЎНГИЛ КАМАЛАГИ

Адабиёт — инсон қалбига очилган дарча бўлса, севинч ва ташвишлар ана шу туйнук ичкарисида кўринган гулзор.

Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен,
Табассуминг, қуёш, сўнар оҳиста.
Дала ва қирларда тиниқлик учар,
Сувлар ойнасига шом қора суркар,
Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен.

Назаримда, шоир аллақандай уммон қаърига тушиб бораётир. Мисралар гўё мазкур тубсизлик сари бошловчи пиллапоя зиналардай. Хўш, қайдан бу маҳзун кайфият?

Қуёш, олтининг чўккандек чўкар севинчим,
Синади ичимда умиднинг тоси,
Қалбимни йиртади унинг садоси.
Юпатмас не хаёл, севги рўёси,
Юрамен, оқшомга сингади изим.

Чунг бир қайғу... Бироқ шоир қоралаётгани йўқ, балки унга янада яқинлашмоқчи, холос. Юқоридаги ун сатр эмас, балки шоирнинг айнан мазкур истаги — шеър. Шоир мисраларга, сўзларга сочилиб, яшириниган. Ҳақиқий шеър — уммонга кириб бораётган инсоннинг аввал тиззасига, белига, ниҳоят кўкрагига... урилаётган қудратли тўлқинлар зарбасидан қалбда қўрқув ўрнига пайдо бўлган туйғу:

Юпатмас на хаёл, севги рўёси,
Юрамен, оқшомга сингади изим —

деяётган шоир қайғудан муназзаҳ эмас-да, унинг ваҳмидан озода. Чунки унинг ўзи оқшомга сингган излари янглиг дард оғушида:

Юрамен, оқшомга сингади изим.

Бу шеър қайғуда бошланиб қайғуда хотима топади. Бироқ кутилмаганда унда — «ваҳший қоялардан» «бир сават оқ гул» — наъматак ўсиб чиқади:

Тоғлар ҳавосининг ферузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Аслида шоир худди наъматак сингари бебок дунёнинг ноёб асари. у ҳам «ваҳший қоя»ларда туғилган, қийналган... ниҳоят, «қуёшга бир сават оқ гул» узаттан наъматак янглиг нафис туйғулари гулдастасини оламга тутган.

Яхши шеър чуқур дарддан туғилиши маълум. Шеър — «юксакда — шамолнинг беланчагида» чайқалаётган наъматак. Дард унинг илдизи — «ваҳший тош». Демак, аслида тош ҳам гул каби гўзал. Ахир, қоя наъматакнинг эмас, балки гул тошнинг ижоди, айтиш мумкинки, сийрати. Негадир севина бошлаймиз:

Ойбек ижодкор дўстлари ва китобхонлари даврасида. Мангит шаҳри. 1962 йил.

Йўлдош Ҳудойберганов суратта олган

Юрамен, тошади севинчим,
Бу севинч қаердан — билмайман.
Кечанинг оғуши латиф, жим...
Юлдузлар чамани гуллаган.

Шоир ижод қиларкан, руҳияти ҳамиша уйғоқ булади. Шунга кўра, у шеърда мудроқ дунёни уз ботиний оламига мослаб қайта яратади, созлайди... Нарсаларни ҳам қалби сингари тирик ва ҳаракатда кўрмоқ истайди. Бинобарин, дарду қувончини айттани олам излаб овора бўлмайди, балки дуч келган нарсасига ёрилади, ёрила олади: «Сузладим мен севинчимни шабадаларга». Бу фақат жонлантириш эмас, балки ундан кўпроқ, каттароқ иш:

Тошлар ҳам қушлар ҳам ўхлайди
Шамоллар ўчганда ел-енгил.
Ой нури мавжланиб титрайди,
Барглларга киради ширин тил.

Шоир нарсаларга «жон ато» этиш билан бирга, уларга инсонлик васфларини ҳам беради.

Коинот севгиси гул каби
Қалбимда очилар, хаёл-ҳур.
Тўладир севинчнинг қадаҳи
Юлдузлар томчилар олтин нур...

Шоир кўзларига уринган чирой — соз бўлса, латиф оғушли кеча, ухлаётган тошу қушлар, учаётган шамоллар, мавжланаётган ой нури, тилга кирган барглар, нур томчилаётган юлдузлар... унинг пардалари. Шоир ҳур хаёл ва қалбида гул каби очилаётган севги билан «Сўнгсиз, улуғ коинот»ни соз янглиг чалади, ундан куй яратади. Мусиқа — туйғу. Шундай туйғуки, у ўзи акс этган шеърнинг қаърида жимирлаб оқади:

Юрамен, тошади севинчим,
Бу севинч қаердан — билмайман.

Шоир сўзларини қиз танлагандек, ўз ҳолига, диду савиясига кўра танлайди. Танлов — ташбеҳ:

Учиб ер тишлайди бир гала яproқ
Сасида қуёшнинг, баҳорнинг ёди...

Сасида худди шундай хотирот яшаган адабиётгина ўзини оқлайди, ўз моҳиятига биноан соғинчдан туғилади, яъни у соғинчнинг зоҳири, холос.

Юқоридаги икки мисрага одамзот қисматини жо қила олганини шоирнинг ўзи ҳам сезмаган бўлса ажаб эмас. Чунки бу — Ойбек илҳомининг самараси. Зеро, савқитабиий ўз табиатига мувофиқ ҳамиша номаълум оламларни кашф этади:

Учиб ер тишлайди бир гала яproқ...
Сасида қуёшнинг, баҳорнинг ёди...

Бу ерда яproқ — бани одам. У қачондир баҳорда қуёшни кўрган, нурларини гўдак янглиг эмган. Энди эса... яproқ ерда. Энди уни қуёш ҳам, баҳор ҳам қучмайди. Балки яproқнинг ўзи қуёш ва баҳор ёдини маҳкам қучоқлаб олган... Чунки унинг бисотида элас-элас жимирлаётган ана шу хотирадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Мантиқан олганда, ҳатто хотира (ёд) ҳам унутилишга маҳкум.

Ҳар лаҳзада ялтироқ шаҳардан (дунёвийликдан) воз кечиб дала-туз (ухровийлик) бағрига кетиш кайфиятида яшамаган киши шеър ёзиш қасдида қўлига қалам олмайди. Зеро, шоирлик тинимсиз равишда табиатга қайтиш, яъни ижтимоий шоир зиммасига ҳам талай муаммоларни, турли қонунқоидалар заҳмати-ю одоб-аҳлоқ ташвишларини юклайди. Бироқ у жазавага тушаркан, (шеър ёзаркан) илк бор эгар урилган асов от сингари қўкка сапчийди, гарданида ғашига тегаётган нимадандир қутулмоқчи бўлади. Шоир айнан шу лаҳзалардагина шоирдир. Унинг асл ҳаёти ҳам, фоний оламдаги қувончи ҳам шу пайтда кечади:

Орқангдан йиғлаб қолдим,
Кўксимни тиғлаб қолдим,
Қиз, дарёдан ошарсан
Билмам қайда яшарсан
Орқангдан йиғлаб қолдим.

Илҳом онларида шоир жисми ва у билан боғлиқ оламни унутади, ёдида қолган борлиги эса ажиб бир туйғуга — мусиқага эврилади. Шеър мазкур оҳангнинг, яъни сийратнинг нуқсонли сурати, холос. Уни ўқиш эмас, ғузал бир мусиқа янглиг эшитиш, ҳис қилиш... лозим.

Йўқса:

Денгиз, тоғлар ошайлик,
Чўпон каби яшайлик.
Бирга олиб кет мени —

мисраларини ўқиб, шоир, ҳақиқатан ҳам, бир жонон билан чўпон каби тоғлар бағрида айш сурмоқчи, деб ўйлаймиз. Аслида-чи? Аслида шоирнинг мақсади айнан шундай ҳаётдан — қул билан ушлаш, бадан орқали туйиш мумкин бўлган воқеликдан, лаззатдан бегоналик. Йўқса, у қизнинг қаерда, қайси манзилда яшашини аллақачон билиб оларди:

Қиз дарёдан ошарсан,
Билмам, қайда яшарсан...

Шоир сирлар дунёси сари интилади, баъзан ҳатто парвоз қилади. Эҳтимол, у узоқ учолмас, қанотлари синар, ожизлигини англар... Бироқ муҳими бу эмас, муҳими — қафасни ериб чиққан қуш (руҳ) парвозининг илк шиддати:

Тушимда кўрдим сени
Бирга олиб кет мени.

Шоирлик ҳам худди шу ондан бошланиб то қанотлар қайрилгунча давом этади. Яъни у — шуднинг умрининг юздан бирича келар-келмас фурсат. Шоирлик — тахминан, ошиқ ва маъшуқнинг бир-бирларига термилиш вақтига тенг. Севишганлар термилишдан тўйиб, қарашга ўтган лаҳзадан эътиборан, шеърини битирган шоир каби қўлдан ерга тушадилар. Энди улар ҳам кўпчилик қатори — тирикчилик қуллари...

Яхши шеър ғуборли ер юзини ювиб, тозалаб турғунчи ёмғирга — раҳматга ўхшайди. Ундан баҳра ола билган инсон қалби ёмғир ювган одамдек тиниқлашади. Ботиндаги қуёш чиқиши билан эса у ўз кўнгил камалагини томоша қилиши мумкин.

Улуғбек АБДУЛВАҲОБ

Янги томоша

«ҲАЗИЛКАШ ШОҲ»

Ҳамза номидаги Қўқон узбек Давлат музикали драма театри санъаткорлари мухлисларини янги саҳна асари билан хушнуд этдилар.

Драматург Ҳайдар Муҳаммад асари асосида ушбу комедияни режиссёр Саҳобиддин Эргашев саҳналаштирган.

Спектаклдаги асосий ролларни Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳаётхон Маҳмудов, артистлардан Баҳром Раҳимов, Юнусали Халилов, Равшан Иброҳимов, Ражно Жураева, Феруза Аъзамова, Ботирали Ғафуров, Хурсаной Қодирова, Саодат Сайфуддинова, Журахон Пулатов, Одина Зокирова ижро этишмоқда. Оммавий саҳналарда театрнинг ижодий жамоаси иштирок этяпти.

Саидолим ҲАЙДАРОВ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Узбекистон Адабиёт жамғармаси Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Тухташ АШУРОВ
вафоти муносабати билан адибнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Узбекистон Адабиёт жамғармаси Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Тоҳир Қаҳҳорга онаси
ТОЖХОН ая
вафоти муносибати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўтмиш адабиётимиз саҳифалари

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Бир нутқ тарихи

Совет ҳокимияти йилларида "мажлис" деган нарса қон-қонимизга сингиб кетганди. Умримиз ҳар куни мажлисда ўтар, ҳавоси айниб кетган дақиқанафас хоналарда бўлар-бўлмас нутқларни эшитиб, қадалиб ўтиришга мажбур эдик. Уларнинг кўпчилигида бир йилт этган фикр бўлмас, кўпинча жуда арзимас масалалар ҳақида баҳс юриталарди. Нотиқларнинг бири сўзамол, чечан, бошқаси тўртта жумлани бир-бирига қўшиб, эплаб гапиролмайди. Айниқса, шунақалар минбарга чиққанда, бомбадай портлаб кетишингга сал қолади. Тишингни-тишингга қўйиб, индамай ўтираверасан — одат шунақа!

Аммо ахён-ахёнда биронта нотиқ оташин нутқ сўзларди — унинг гапида теран мазмун бўлса, иборалар чақнаб турса, бундай нуткдан юрагингга учқунлар тушса, ўша мажлис бир байрамдек бўларди. Афсуски, бундай кам бўларди, лекин бўларди. Бундай нутқлар, одатда, жамоатчилик ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қоларди. Одамлар нутқини иштиёқ билан эшитадиган, кейин йиллар давомида тилларга ўтиб достон бўлиб юрадиган нотиқлардан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Абдулла Қаҳҳорни одатдаги маънода "нотиқ" дейиш мумкин эмасди, чунки у минбарни унча хушламас, ҳар мажлисда нутқ ирод қилиб, ўзини кўрсатишга сира интилмас эди. Аммо сўзлашга тўғри келиб қолса, шундай сўзлардики, унинг гапига ҳеч ким лоқайд қолмасди. Унинг нуткида учта ҳислат бўларди. Биринчидан, у ҳамиша жуда қисқа гапирарди. Одамлар, одатда 10-15 минут гапирган жойда Абдулла Қаҳҳор нари борса 5 минут билан кифояланарди. Унинг бирон марта белгиланган вақтдан чиқиб, нутқини регламентга сиғдиролмаганини эслолмайман. Иккинчидан, унинг ҳар бир нуткида ҳаётнинг қай бир долзарб масаласи кўтарилар, шу нуткни тутиб турган ўзак ажралиб турар, кишини ўзига ром қиладиган теран фикр бўларди. Абдулла Қаҳҳорнинг фикрларига қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин эди, лекин ҳеч қачон уларга бефарқ қараб бўлмасди. Унинг нутқи ҳамиша тингловчиларни бойитарди и. Учинчидан, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳар бир нуткида, албатта, биронта ривоят, латифа, хотира ёхуд шунчаки образли ибора бўлардики, айни шу нарса нуткни таъсирчан қиларди. Шу образлари туфайли одамлар унинг нуткини йиллар мобайнида гапириб юришарди. Масалан, бир нуткида адиб журналнинг феъли тор муҳарририни танқид қилиб, уни кўқонлик бир пакана домлага ўхшатганди — пакана домла ҳовлисининг эшигини ўзининг бўйи-бастига мослаб курган экан, бу эшикдан домланинг ўзидан бошқа ҳеч ким киролмас экан. Бошқа бир нуткида Абдулла Қаҳҳор бир амалдор ёзувчини туяқушга ўхшатган. Туяқушдан "Нега учмайсан?" деб сўрашса, "Мен ҳайвонман" деркан, "Унда нега ҳайвондай қилиқ қилмайсан?" деб сўрашса, "Мен — қушман" деркан. Шунга ўхшаш бояги ёзувчидан "Нега асар ёзмайсан?" деб сўрашса, "Мен амалдорман" деркан. "Унда нега ишларнинг мазаси йўқ?" дейишса, "Мен ёзувчиман" деркан. Абдулла Қодирийнинг 70 йиллигига бағишланган кечада Абдулла Қаҳҳор оёқларидан темир кишан олиб ташланган филнинг эрксизлиги ҳақидаги ривоятни келтирган эдики, бу ривоят адабиётшунос ва мунаққидларнинг тафаккур бобида қўникилган халқаларни ёриб чиқиб кетолмаганини жуда яхши ифодалаб берганди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўз юбилей оқшомида Алишер Навоий театрида сўзлаган нутқи ҳам ўттиз йилдан бери одамлар хотирасидан кўтарилгани йўқ. "Мен партиянинг оддий солдати эмас, онгли аъзосиман, шунинг учун ҳар қадамда честь бериб туролмайман", деган гапи учун Абдулла Қаҳҳор расмий доиралардан, коммунистик мафкура соҳибларидан қаттиқ дакки еган эди. Ҳаёт адибнинг ҳақлигини кўрсатди. Хўш, Абдулла Қаҳҳор қандай қилиб нуткларининг бу қадар ёркин ва таъсирчан бўлишига эришарди? Бунинг битта изоҳи бор — у ўз қадрини яхши биларди, у теран ички ғурурга эга эди ва ҳамиша ўз "маркаси"ни жуда юқори тутишнинг ғамини ерди. У адибнинг ҳар бир асаригина эмас, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи ҳам салмоқли бўлиши ва одамлар юрагида ўт ёқиши керак, деб ҳисобларди. У ёзувчилик масъулиятини чуқур ҳис қиларди. Шунинг учун ҳар бир нуткига хафталаб тайёргарлик кўрарди. Абдулла Қаҳҳор учун қаерда сўзламасин — Марказий Комитет Пленумидами ёхуд пахтакорлар қурултойидами, Ёзувчилар уюшмасининг йиғинидами ёки мактабдаги учрашувдами, шаҳар зиёлилари мажлисидами ё талабалар даврасидами — барибир, гапини узоқ вақт ўйлаб пишитиб юрар, ортиқча жумлаларни, эзмаликларга йўйиладиган жойларини олиб ташлар ва ҳатто кўнгли тортган одамларга айтиб, фикрларини биларди. Мен кўпчилик олдида оғзидан чиққан ҳар бир сўз учун шунчалик масъулият ҳис этиб иш юритган бошқа бирон одамни билмайман. Шунинг учун ҳам унинг нуткларидан тингловчилар учун чинакам бадиий асардек ардоқли тухфа бўларди. Мен Абдулла Қаҳҳорнинг ўзим эшитган нуткларидан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

1956 йил. Нима деганингизда ҳам, 1956 йил мамлакатимиз тарихида алоҳида ажралиб туради. Ўша йил мамлакатимиз осмонида узоқ муддат мобайнида ҳукм сурган зулматли тун ёриша бошлагандай — уфқда тонг шафақлари йилтиллагандай бўлганди. Қолаверса, 1985 йилда бошланган ошкоралик ва қайта қуриш дегани илк бор ўша йили қуртак чиқарган. Ўша йили партиянинг XX съезди бўлди. Съезда Н. С. Хрушчев биринчи марта Сталин шахсига сиғиниш иллатини баралла гапирди. Бу нутқ мафкуравий ҳаётимизни алғов-далғов қилиб юборди. Бирдан аён бўлдики, бизнинг мақталган социалистик жамиятимизда кўп йиллар мобайнида зулм ва зўравонликка асосланган якка ҳукмронлик тузуми мавжуд экан, демократия деган нарса буткул йўқ экан, буйруқбозлик, дўқ-пўписа, таъқиб ва тазйиқлар авж олган экан. Буларнинг бари фикрлашдаги эркинликни йўққа чиқарган, ижодий тафаккурни бўғиб қўйган, адабиёт ва санъ атда дабдабасизликни, ҳамма нарсани бўяб-бежаб, пардозлаб, ялтиратиб кўрсатишни авж олдирган. XX съезд аввлига мамлакатимиз ривожида янгиланиш палласи бошланаётганидан дарак бергандай бўлганди. Янгиланиш, биринчи навбатда, ўтмишнинг оғир юкидан халос бўлмоқдир. Бу эса жуда қийин иш. Негаки, ўтмиш юки, одатда, елкада бўлмайди — шундоқ бўлганда уни улоқтириб ташлаш осон кўчарди — ўтмиш юки одамлар юрагига уя қурган, онгини эгаллаб олган бўлади. Эски шароитда йиллар давомида шаклланган, амал қилган муносабатлар, алоқалар, меъёрлар шу даражада сингишиб кетган бўладики, уларни рад этиш эмас, ҳатто танқидий таҳлил қилиш ҳам жуда катта шижоат ва жасоратни талаб қилади. Бунинг қийин томони шу билан изоҳланадики, муносабатлар, алоқалар, баҳолашлар, одатда муайян одамлар томонидан амалга оширилади. Муайян одамларнинг манфаати, хотиржамлиги, хузур-ҳаловати, фароғати эски тартибларнинг барқарорлигига боғлиқ, шунинг учун улар осон тартибларни сақлаб қолишга тиш-тирноқлари билан уринадилар. Бинобарин, ҳар қандай янги тамойилларнинг бемалол ривожини таъминлаш учун эски тартибларни рад этиш, танқидий таҳлил чиғиригидан ўтказиш керак. Бунинг учун эса ўша тартибларнинг ҳомийлари ва ҳимоячиларини, яъни отдан тушса ҳам эгардан тушмаган, ҳамон жиловни қўлида маҳкам тутиб турган одамларнинг моҳиятини очиб ташлаш керак. Бунинг нақадар қийинлигини тасаввур қила оласизми? Ривоят бор: мушукнинг зулмидан тўйган сичқонлар бу азобдан қутулиш йўлини излашипти. Бир доно сичқон таклиф қилипти: "Мушукнинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйиш керак. У яқинлашаётганида қўнғироқ жаранглаб, хавфдан огоҳ этади. Ҳаммамиз қочиб, яшириниб оламиз", Маслаҳат ҳаммага маъқул бўлипти — фақат "қўнғироқни ким осади?" деган масала кўндаланг бўлганда, бу юмушни бажарадиган мард топилмапти. Ҳаётда ҳам энг кескин, ҳал қилувчи дақиқаларда кўпинча "қўнғироқ осадиган" азамат топилмай қолади.

Бироқ бу гал XX съезд тиқилиб ётган булоқнинг кўзини очиб юборгандай бўлди — ҳамма жойда баҳслар, мунозаралар авж олди, ҳатто ўзбекистонда ҳам санъат ва адабиёт ҳақидаги ҳақиқатни очиқ айтишга интилган мақолалар пайдо бўла бошлади. Шу жараёнда анча-мунча галати нарсалар маълум бўлди. Масалан, биз кўп йиллар мабайнида адабиётимизнинг марказий масалаларини аллақачон узил-кесил ҳал қилинган, кундай равшан деб ҳисоблаб келар эдик. Ҳолбуки, мутлақо ундай эмас экан, XX съезддан кейин кўп ўтмай СССР Фанлар академияси ва СССР Ёзувчилар уюшмаси биргаликда адабиётда реализм масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ мунозарасини ўтказди. Москвада мингдан ортиқ адабиётшунос, санъатшунос ва файласуфлар иштирокида бир ҳафта давомида ўтган бу улкан анжуманда маълум бўлдики, мактаб талабасидан бошлаб академик адабиётшуносгача ҳамма ҳар куни ўнлаб марта "реализм" деган истилохни қўллаб юрган экан-у, лекин реализмнинг ўзи нима эканини ҳеч ким билмас экан. Мунозарада — "Реализм нима?" У қачон пайдо бўлган? Реализм оқимми ёки методми? Унинг чегаралари борми? Реализмда бошқа методларга, жумладан, модернизмга муносабати қандай? Реализмда ҳаётни акс эттиришдаги асосий шакллар ва воситалар қанақа?" деган жуда оддий саволлар ўртага қўйилди, лекин биронтасига ҳам қониқарли жавоб берилгани йўқ. Мунозара бизнинг илмий тафаккуримиз ибтидоий даражада қотиб қолганини намойиш қилиш билан бирга, бунинг сабабларини ҳам очиб берди — қаердаки жиддий илмий тадқиқот, теран таҳлил ўрнига, қатъий белгилаб қўйилган штамплар, қуйма қолиплар, маънисиз ақидалар асосида иш юритилса, қаердаки илм-фан ва санъат-адабиёт ҳукмрон мафкуранинг, жорий сиёсатнинг малайига айлантириб қўйилса, ўша ерда ўсиш тўхтайди, фикрий турғунлик, таназзул ва ҳатто чириш бошланади.

Асосий мавзуимиздан бироз чалғиганимиз учун узр — ўша йиллардаги шароит ҳақида умумий бўлса-да тасаввур ҳосил қилмай туриб, ҳикоямизни давом эттириш қийин эди. Мавзуга қайтайлик.

1956 йилнинг 6-7 июл кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг III пленуми бўлди. Ўша пайтда ёзувчилар увюшмаси Биринчи май кўчасидаги кўримсизгина уйда жойлашган эди. Бу иморат ҳозир ҳам бор — шаҳар Бош почтахонасининг рўпарасида. Унинг биринчи қаватида уч-тўрта хона бўлиб, иккинчи қавати — чоғроққина мажлислар залидан иборат эди. Ўша куни юз-юз эллик киши сиғадиган залда ўтиргани жой топилмади — қаторлар оралиғида ҳам, деворлар ёқалаб ҳам одамлар зич эди. Саратон. Кун иссиқ. Унинг устига торгина залга тиқилиб олган одамларнинг тафти нафас олишни қийинлаштиради. Кўйлаклар чилп-чилп баданга ёпишади. Биров рўмолчаси билан, биров қўлидаги газета билан тўхтовсиз елпинади. Президиумдагилар босиб-босиб сув ичади. Шундай бўлса-да, ҳеч ким зални тарк этгани йўқ. Чунки масала жуда муҳим эди. Гарчи кун тартибига қўйилган масала XX съезд мунасабати билан ўзбек ёзувчилари олдида турган вазифалар ҳақида бўлса ҳам, одамлар адабиётдаги аҳвол ҳақида, шахсга сиғинишнинг фожиий таъсири ҳақида, ижод эркинлиги ва уни бўғаётганлар тўғрисида ҳақиқат айтилишини кутишарди. 50-йилларнинг бошларида қатағонга учраган ва ҳар хил муддатларга кесилиб, бадарға қилинган Саид Аҳмад, Шайхзода, Шукрулло, Шуҳрат, Ҳамид Сулаймон ва бошқа ёзувчилар бўшаб келишган эди. Уларнинг бир қисми ўзларининг қамалишида роль ўйнаган "ёзувчилар" билан бирга залда ўтиришарди. Бу ҳам пленумга одатдагидан бошқачароқ тус берганди. Одамлар: "Бегуноҳ қамалган ва бугун бутунлай оқланган адиблар пленумда нималар деркин?" деб кутишарди. Пленумда Шароф Рашидов доклад қилди. Докладда XX съезднинг тарихий ахамияти айтилди. Адабиётимизнинг ютуқлари саналди. Зарур миқдорларда танқидий гаплар айтилди. Сўнг музокара бошланди. Икки кун давом этган музокарада ончагина одам сўзга чиқди. Бу ўринда уларнинг ҳар қайсиси нималар деганини, қандай масалаларни кўтариб чиқиб, қандай таклифларни ўртага ташлаганини батафсил ҳикоя қилишнинг имкони йўқ. Ўшанда бадарға жойларидан қайтганлар ҳам сўзлади. Масалан, бир адабиётшунос сўзга чиқиб, ўзининг қамалишига сабаб бўлган бошқа бир адабиётшуносни жазолашни, ишини терговга ошириб, ўзини қамоққа жўнатишни талаб қилди. Жабрланган бир шоир эса қамоқхоналарда торгган азобларидан гапирмади, ноҳақ қамалганини айтиб, ҳамманинг кўзини ёшлантирмади, душманларини жазолашни талаб қилмади. У адабиёт ҳақида, нималар қилиш лозимлиги ҳақида гапирди. Жуда қисқа гапирди. Гапининг охирида Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларига мурожаат қилиб деди: "Озодликка чиққанимдан бери ўтган муддат ичида Тошкент ҳақида достон ёздим. Шуни муҳокама қилиб кўрсанглар. Маъқул бўлса, босиб чиқаришга ёрдам берсанглар". Шундай деб нотиқ президиумга қоғоз папкага солинган қўлёзмани узатди. Нотиқ — Шайхзода, достон эса "Тошкентнома" эди. Кўп ўтмай достон босилиб чиқди ва китобхонлар ўртасида машҳур бўлиб кетди. Одамлар эса Шайхзоданинг ички маданиятига, олижаноблигига, турмушдаги ботир-чиқирларидан юқори туришига, кекчи эмаслигига яна бир бор тан беришди.

Шу тарзда пленумда музокаралар бир кўтарилиб, бир пасайиб ўз интиҳоси томон кетиб бормоқда эди. Сўз Абдулла Қаҳҳорга берилди.

Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг аҳволини анча чуқур таҳлил қилиб берди, унинг ютуқлари кўнгилдагидек бўлмаётгани, ўзбек ёзувчиларининг довруғи Оренбургдан нари ўтмаётганини таъкидлади ва бунинг сабабларини очишга уринди. Нотиқнинг фикрича, бундай вазиятга бош сабаб — Ёзувчилар уюшмасида ҳақиқий ижодий муҳитнинг йўқлиги. Ижодий муҳит шунинг учун йўқки, айрим шахслар ҳар хил йўллар билан ёзувчилар орасига нифоқ солишга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Бундай одамлар кўпинча демогогик йўллар билан, дўқ-пўписалар билан мақсадларига эришади ва юзага келган бўғиқ муҳитдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Абдулла Қаҳҳор шахсга сиғиниш йилларида кўпайиб кетган бир тоифа одамларнинг умумлашган образини чизади. Улар совет ҳокимияти номидан, партия номидан гапиришга ўзларини ҳақли деб билади, совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш ҳам фақат уларнинг маҳрига тушган. Уларнинг тасаввурида улардан бошқа ҳамма шубҳали, яширин душман, сиёсий ишончсиз одамлар. Шунинг учун улар хушёрлик билан ҳокимиятни ҳимоя қилишлари керак, бильакс ҳокимият гупиллаб йиқилиши ҳеч гап эмас. Энг дахшатлиси шундаки, уларнинг турли-туман минбарлардан оғиз кўпиртириб тарқатган ифво ва бўҳтонлари оқибатсиз қолиб кетмайди, шу демагогик нуткдар асосида катта — кичик комиссиялар тузилади, тафтишлар ўтказилади, нуткларда номи тилга олинган одамлар устидан ҳукмлар чиқарилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг танқиди кучайгани сари залдаги одамларнинг диққат-эътибори ҳам зўрайди. Одамлар залнинг димлигини ҳам унутиб юборгандек, бутун вужудлари қулоққа айланиб нуткини тинглашмоқда. Нихоят, Абдулла Қаҳҳор одатда мажлисларда қўлланмайдиган бир иборани ишлатди: "Бундай одамлар ўзбек адабиётининг жаллодларидир".

Мажлис бир қалқиб тушди. Гарчи кимнинг жаллод экани айтилмаган бўлса-да, бунақа гапни айтиб бўлмасди — бу гап учун жавоб бериш керак эди. Ундан ташқари, умуман, мавҳум тарзда "адабиётимизнинг жаллоди бор", деб ҳам бўлмасди — мабодо бу гапни айтиш керак бўлса, унинг кимлигини, жаллод сифатида нима қилганини аниқ айтиш керак. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳорнинг "жаллод" сўзи чиқиши билан залда ўтиргандардан кимдир чидамай қичқирди: "Ким экан у? Фамилиясини айтинг!" Абдулла Қаҳҳор овоз чиққан томонга қаради-да, "айтаман, шошилманг" деди ва хотиржамлик билан нуткини давом эттирди.

Шундан сўнг нотиқ ўзбек адабиётининг жаллоди кўп йиллар мобайнида пашшадан фил ясаб, ёзувчиларга сиёсий айблар қўйиш билан шуғулланганини, уларни "миллий маҳдудлик"да айблагани, ифво ва бўҳтонлар билан уларни ижод қилиш имконидан маҳрум қилгани ҳақида гапирди. Нотиқ бу даъвосини исботлаш учун Ойбекни касал қилганларини, Асқад Мухтор ва Туроб Тўлаларнинг қувғин қилинганини, Шайхзода, Саид Аҳмадларнинг гуноҳсиз қаматилганини эслатиб ўтди.

Залнинг тоқати тоқ бўлди — "жаллод"нинг жиноятлари чакана жиноятлар эмасди — чиндан ҳам унинг қўли тирсагигача қон, қўлидаги ойболтаси ҳам қон... Ким экан бу даҳшатли жиноятчи? Яна залнинг у ер-бу еридан "Ким у? Отини айтинг!" деган ҳайқириқлар эшитилди. Президиумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Котибаси Захро Раҳимовна Раҳимбобоева ўтирган эди. Шу пайтга қадар янги расм бўла бошлаган таомилга амал қилиб бўлса керак, нотиқнинг сўзини бўлмай ўтирган эди. Қараса, бўлмаётир, нотиқ ҳаддан ошиб кетди, гаплари борган сари қалтис бўла бормоқда. Котиба кескин оҳангда нотиққа дакки берди:

— Ўртоқ Абдулла Қаҳҳор! Бунақа мавҳум гапларни қўйинг. Конкрет гапиринг! Айтинг ўша жаллоднинг фамилиясини! Акс ҳолда бу гапларингиз учун партия олдида жавоб берасиз.

Абдулла Қаҳҳор шунда ҳам пинагини бузгани йўқ:

— Айтаман. Албатта, айтаман. Драмаларда ҳам конфликт охирида ҳал бўлади-ку!

Шундан кейин яна 2-3 дақиқа ўша жаллоднинг хунук башарасини тўлдирувчи чизгиларни айтди-да, "мен Владирмир Мильчаков ҳақида сўзладим", деб нуткини тугатди.

Албатта, залда қарсак янгради. Бироқ бу қарсак одатдагидек ҳар қайси нотиқ сўзини тугатганда шунчалик илтифот юзасидан чалинадиган қарсакдан ҳам заифроқ эди. Чамамда нутқ охирида айтилган фамилияни эшитиб, одамларнинг кўпчилиги гарангсиб қолди. Ҳозирги ёшлар, албатта, Мильчаковнинг номини эшитмаган, уни билмайди. Лекин у пайтларда Мильчаков Ёзувчилар уюшмасининг ходоларидан эди. Уюшманинг иқлими, оби ҳавоси Мильчаков ва унга ўхшаш яна уч-тўртта одамга боғлиқ эди. Тўғри, унинг қанақа ёзувчи эканини, нималар ёзганини кўпчилик яхши билмасди, лекин ундан ўлгидай қўрқишарди. Мен ўша кезларда унинг разведка ҳақидаги битта қиссасини ўқиган эдим. Қисса жуда ночор, жуда ғариб бир асар эди. Эҳтимол, унинг пичоққа илинадиган бошқа биронта асари бўлгандир. Бундай десам, шундай бўлса, у, албатта, тилга тушган бўлар ва уни, албатта, ўқиган бўлардик. Ҳар ҳолда баланд бўйли, кенг пешонали, сочи жингалак, бурнининг учи дум-думалоқ, чағир кўзлари кишини тешиб юборадигандек қадалиб турадиган бу барваста одам уруш йилларида Ёзувчилар уюшмасида пайдо бўлган ва ўшандан бери бу ерда ҳар хил мансабларни эгаллаб келарди. У партия ташкилотининг котиби бўлди, кейин анча вақтгача рус тилидаги "Звезда Востока" журналига муҳаррирлик қилди, ўша кезларда русийзабон ёзувчилар секциясига раҳбар ҳам эди, шекилли. Бироқ Мильчаков мансаби билан эмас, дўқ-пўписалари билан, андишасизлиги билан, туппа-тузук ёзувчилар устига ахлат агдаришлари билан, шаллақилиги билан ном чиқарган эди. Масалан, у Ёзувчилар уюшмасида ишлаб юрганида уюшманинг ташкилий ишлар бўйича котиби Жуманиёз Шарипов билан ҳар куни жанжаллашар экан. Ҳар куни жанжал даҳанаки жангдан бошланиб ростмана сўкишларгача етиб бораркан. Уюшма раиси Ойбек эса уларни тинчитолмай, уларнинг сўкишларига тоқат қилолмай, бошини чангаллаганича хуноб бўлиб ўтирар экан. Ҳарбий гимнастеркасини елкасидан ташламаган Мильчаков ҳар мажлисда шаллақилик қилиб, ёзувчиларни қўрқитиб зир қақшатган. Кўп ҳолларда у ўзининг ҳавфсизлик органларига дахлдорлигини пеш қилишдан ҳам тоймаган. Мильчаков органларнинг айғоқчиси бўлганми-йўқми, у ердан маош олиб турганми-йўқми буни аниқ билмайман. Лекин унинг қай бир тарзда органлар билан алоқада бўлганига, уларга ахборотлар ва маълумотлар бериб турганига, қай бир ёзувчиларнинг устидан чақувлар уюштиргаига шубҳа йўқ. У Ёзувчилар уюшмасида ўзини хавфсизлик органларининг мухтор вакиллидай тутган. Мен Мильчаков фаолиятини бошидан-охиргача баён қилиб бермоқчи эмасман — фақат битта мисол келтираман. Бу маълумотни мен Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг 2356-фонд, 1-описидаги 150-ишдан олдим.

1948 йил 15 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлиси бўлган. Унда уюшмага янги аъзолар қабул қилинган. Навбат Миркарим Осимга келган. Таомилга биноан уюшма котиби Жуманиёз Шарипов унинг ҳужжатлари ҳақида маълумот беради. Миркарим Осим ҳали катта китоблар ёзмаган бўлса-да, тарихни яхши биладиган, ўзбек тилини нозик ҳис қиладиган одам сифатида таниқли эди. У В. Яннинг "Чингизхон" романи таржимасини жуда яхши таҳрир қилган — романни ўқисангиз XIII аср муҳитига киргандай бўласиз. Бир-иккита ихчам ҳиколари ҳам бу одамнинг бақувват истеъдод эгаси эканидан далолат беради. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, унга Ҳомил Ёқубов, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор тавсиянома берган. Хуллас, уни уюшмага қабул қилиш керак. Бироқ, Мильчаковнинг ҳокимона овози янграйди: "Қани, Осимов, айтинг-чи, сизда ҳеч вақт чет элга кетиб қолиш нияти бўлганми?" Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади, чунки у пайтларда "чет элга кетмоқчи" бўлиш совет ҳукматига, партияга хиёнат деб қараларди. Бундай одам ватан хоини қаторига қўйиларди. Миркарим Осим жавоб беради — унинг жавоби мажлис иштирокчиларини яна баттар ҳанг-манг қилади: "Ҳа, бир вақтлар менда шундай ният бўлган, лекин мен бу фактни ҳеч қачон яширган эмасман, ҳамма вақт анкеталарда ва автобиографияларимда қайд қилиб келганман".

Воқеа бундай бўлган экан: Миркарим Осим 17-18 ёшларида, яъни 1924-25 йилларда педагогика билим юртида ўқиб юрган кезларида уларга адабиётдан Эҳсон афанди деган одам дарс берган. Эҳсон афандининг илмлари ўзбек, лекин ўзи туркпараст бўлган. Техникумда Миркарим Осим билан якиндан танишиб, унинг бағоят истеъдодли эканини кўргач, уни Туркияга олиб кетмоқчи бўлган. Шу мақсадда у Миркарим Осимни роса мақтаган. "Ҳозирги Туркиянинг ҳар қандай ёзувчисидан ҳам ўткирсан", деб ишонтирган ва зўр бериб Туркияга кетишга даъват қилган. Порлоқ келажак орзусида бир-биридан гўзал манзаларни ҳаёлидан кечириб юрган йигит Туркияга кетишга кўнган. Улар Батумида четгарадан ўтиб кетишаётганда қўлга тушган. Маъмурий органлар Эҳсон афандини қай бир муддатга кесиб юборган. Миркарим Осимни эса ёшлигини ҳисобга олиб, икки ярим ойдан кейин қамоқдан озод қилиб, юртига жўнатган. Бор гап — шу! Ўшандан кейин Миркарим Осим иккинчи марта Эҳсон афандини кўрган эмас. Мана, энди орадан йигирма уч йил ўтгач, қанчадан-қанча сувлар окиб кетгач, дунё неча айланиб, қанчадан-қанча алғов-далғовлардан ўтгач, Миркарим Осим ёшликдаги бир "хатоси", эҳтиётсиз қўйилган бир қадами, ёшлик ҳой-ҳаваларига жиндай эрк бергани учун жавоб бермоғи керак. Унинг ёнидаги учта қора курсига эса шундоқ ишончсиз одамга тавсия бергани учун Ҳомил Ёқубов, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ўтказилади. Шу йўл билан (буни руслар "шантаж" деб атайди) зўр-зўр ёзувчиларнинг тили "кисиб" олинади. Мильчаковнинг ўзи эса хон, қўланкаси майдон бўлиб қолади, адабиётда истаган одамига кўрсатма беради, истаган одамининг бошини силайди, истаган одамининг оркасига тепади. Албатта, бу ишлар асосида ўз манфаатларини ҳам зинҳор базинҳор унутмайди. "Йўғ-е, унчалик эмасдиров", дейсизми? Мана, кўринг. Мильчаков муҳаррирлик қилган кезларда "Звезда Востока" журналида фақат муҳаррирга маъқул келган одамларнинггина асари босилган, муҳаррирнинг бўлар-бўлмас асарларга кенг йўл очиб қўйилган, унинг ижоди кўкларга кўтариб мақталган. 1950 йил 28 май куни "Правда" газетасида "Мақтанчоқлик минбари" деган мақола чиққан — унда В. А. Мильчаков муҳаррирлик қилган "Звезда Востока" журналида муҳаррир В. А. Мильчаков ижодини мақтаб кўкларга кўтарган мақола босилгани танқид қилинган. Ана шундай одам 1948 йилнинг 15 март куни Миркарим Осимнинг 23 йил аввали "жиноятчи"ни очиб ташлаб, сиёсий ҳушёрлигини намойиш этган ва Ёзувчилар уюшмасини катта бир балодан — жиддий сиёсий хато қилиш "хавфи"дан асраб қолган. Шу ўринда бир савол туғилади: қизиқ, Мильчаков Миркарим Осимнинг 23 йил аввал қилган "жиноятини" қаёқдан била қолди? Яна айни Миркарим Осим уюшма аъзолигига қабул қилинадиган кунларда-я? 1924-25 йилларда Мильчаков Ўзбекистондан жуда узоқда эди-ку? Бу воқеа ҳамманинг эсидан чиқиб кетган эди. Эсида сақлаган бўлса, фақат хавфсизлик органлари эсда сақлаган...

Абдулла Қаҳҳор "мен Владимир Мильчаков ҳақида сўзладим" деб нуткини тугатганда ана шундай бир рақибга — Ёзувчилар уюшмасида реал ҳокимиятга эга бўлган, қайга борса сўзи ўтадиган, ҳеч нарсанинг андишасига бормайдиган, ўз сиймосида "улуғ" оғамизнинг раҳбарлик ролини тажассум этган одамга қақшатгич зарба берди. Жиндай-жиндай илиқ шабадалар эсиб қолган бўлса-да, ҳали у замонда овруўпалик бирор раҳбарни "жаллод" деб аташ тўғридан-тўғри "миллатчилик" деб баҳоланарди. Шунинг учун ҳам ўша куни Ёзувчилар уюшмасинигг залида тўпланган одамлар Абдулла Қаҳҳорнинг жасоратига лол қолишди — ёзувчи бу гаплари учун бошига тушиши мумкин бўлган балоларни билмаган бўлиши мумкин эмас — у келажакни ўйлаб иш қиладиган одам эди. Шундоқ экан, демак бу ҳақиқатни гапиришни ва шу йўл билан адабиётга фойда келтиришни ўзининг хотиржамлигидан афзал кўрган. Албатта, маданий-адабий ҳаётда бу нутқнинг таъсири жуда катта бўлади, ўшандан кейин жиллодларнинг фаолияти батамом барҳам топди деёлмаймиз, лекин шу билан бирга бу нутқ бутунлай бетаъсир кетди, десак ҳам тўғри бўлмайди. Ҳар ҳолда, Мильчаковга ўхшаш жаллодларнинг башарасидан ниқоб олдирилди, ўзбек ёзувчилари ўзларини ҳимоя қилишни билишлари маълум бўлди, ҳар хил ғийбатчилар, адабиёт атрофида уймаланиб юрадиган қаланғи-қасанғилар анча вақтгача популяри пасайиб, орқа-олдиларига қараб иш юритадиган бўлиб қолишди. Ошкоралик, қайта қуриш даврлари етиб келгунча ҳар хил шанғиларнинг уни анча ўчиб юрди.

Бироқ Абдулла Қаҳҳор нутқининг тарихи шу билан тугагани йўқ, Абдулла Қаҳҳор нутқидан сўнг одатда пленумлар сўнгида айтиладиган расмий сўзлар айтилди, ҳеч ким ёлчитиб қулоқ солган бўлмаса-да, резолюциялар ўқилди. Сўнг пленум ёпилди.

Мажлис ёпилиши билан Марказком котибаси гурс-гурс қадам ташлаб, виқор билан зални тарк этди. Секин-аста одамлар ҳам тарқалди.

Уч-тўрт кун ўтгандан кейин Абдулла Қаҳҳор нуткида айтилган гаплар бўйича Марказкомнинг комиссияси тузилипти, деб эшитдик. Сўнг бу масала Марказком бюросида кўрилипти. Таби ийки, мен Бюрода иштирок этганим йўқ — унда ким нималар деганини, воқеа қандай кечганини айтолмайман. Абдулла Қаҳҳорнинг Бюродан кейин гапириб берганига қараганда мажлисда унга Мильчаковдан узр сўрашни ва "жаллод" деган сўзни қайтариб олишни таклиф қилишган. Абдулла Қаҳҳор жавоб берган:

— Мен узр сўрайдиган ҳеч қанақа гуноҳ қилганим йўқ — фақат бу одамнинг қилмишлари ҳақида гапирдим, холос. "Жаллод" сўзи сизларга унча маъқул бўлмаётган бўлса, майли, "жаллод" қола қолсин-у, "ўзбек адабиётининг қотили" бўла қолсин.

Бюрода Абдулла Қаҳҳорга навбатдаги хайфсан беришди. Айтганча, Мильчаков ҳам жазосиз қолгани йўқ — унга ҳам выговор беришди. Бироқ бу икки выговор ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди.

"Жаллод" деган сифат шу-шу Мильчаковга ёпишиб қолди — имонли одамлар унга қўл бериб кўришишга хазар қилиб қолишди. Мильчаков бундай хўрликка чидаёлмади, орадан кўп ўтмай кўч-кўронини кўтариб, Ўзбекистонни тарк этди. Бир неча йил ўтгач, унинг Россиянинг қай бир овлоқ шаҳарида оламдан ўтганини эшитдик...

Абдулла Қаҳҳорнинг бундан сал кам эллик йил аввал сўзлаган бир нутқининг тарихи шунақа...

ИШОНСАНГИЗ КУЛИНГ, ИШОНМАСАНГИЗ ҲАМ...

Уфа шаҳрида истиқомат қиладиган Н. исмли қурувчи жон ҳолатда "Тез ёрдам"га телефон қила бошлади: "Вой-дод, ёрдам беринглар, тезроқ келинглар, хотиним жинни бўлиб қолди, шўрва пишираман деб ўйдаги бор темир-терсакни қайнатиб ётибди..."

Зудлик билан етиб келган шифокорлар қай кўз билан кўришсинки, қурувчининг хотини ошхонада кострюлкага ҳар хил мих, болтларни солиб қайнатаётибди. Эътироз билдиришига қарамай "бечора"ни машинага ўтказиб касалхонага олиб кетишди. Аммо кейинчалик маълум бўлдики, хотиннинг эс-ҳуши жойида экан. Эрининг "михларни яхшилаб қайнатиб кўй, темир эшик ўрнатмоқчимиз, пишиқ, чидамли бўлади", деган гапларига лаққа тушиб, уларни қайноқ сувда боплаб тоблаётган экан. Ҳазилкаш эр хотинини шу тариқа касалхонага жойлаб бисотларидаги бир шиша ароқни бир ўзи танчитмоқчи бўлган экан-да.

***

Нею-йоркнинг ўта бойлар яшайдиган Манхэттен районидаги бешинчи авенюда жойлашган 1040-рақамли уйнинг ўн бешинчи қаватида жойлашган ўн беш хонали мухташам сарой-ўй сотиладиган бўлди. Баҳоси — 9 миллион доллар. Бунақа баҳони американинг не-не қазо-қазолари ҳам камдан-кам эшитишган. Аммо, олди-сотди ишлари билан шуғулланувчи компания вакиллари, агар уй кимошди савдосига қўйиладиган бўлса, янада қимматроққа кетиши мумкин, деб ишонч билдирмоқдалар. Гап шундаки, бу уй асли грециялик миллиардер Онассисга тегишли эди, кейин унинг рафиқаси — гўзал Жекига (Жеки Кеннедига) мерос бўлиб қолди. Бир вақтлар АҚШ президентининг рафиқаси бўлган Жеки хоним вафот этгач, унинг 200 миллион долларлик мол-мулки, шу жумладан 15 хонадан иборат мухташам сарой ҳам, унин